

Xazina

1-2 (1025-1026) 2024-yil 30-yanvar www.xazinagz.uz @xazinagz@umail.uz @xazina_gz xazina_gz

ЧИРОҚЧИННИНГ ЧИННИ БУЮМЛАРИ ИЧКИ БОЗОРДА ЎРИН ТОПМОҚДА

Чироқчи тумани саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасига катта салоҳиятга эга бўлса-да, кўпроқ аграр соҳага ихтисослашиб қолган эди. Сўнгги йилларда эса туманда хом ашё етиштириш билан бир қаторда, ишлаб чиқариш саноати ҳам жадал ривожланиб бораётти. Буни ҳар йили саноат соҳасига ўнлаб янги-янги лойиҳалар амалга оширилаётганига ҳам кўриш мумкин.

Яқинда "Анхор усти" оилавий корхонаси раҳбари Собир Хоналиевнинг ташаббуси билан туманда яна бир янги лойиҳа - чинни буюмлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ташаббускор томонидан сарфланган 1 миллиард 200 миллион сўм сармоя эвазига барпо этилган корхонада йилига 50 минг дона чинни буюмлар ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.

- Юртимизда тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ушбу лойиҳани рўёбга чиқаришимизга замин ҳозирлади, - дейди тадбиркор. - Шундай та-

шаббус билан туман ҳокимлигига мурожаат қилганимизда, ишлаб чиқариш мажмуасини қуриш учун тумanning Мустақиллик маҳалласи ҳудудидаги кичик саноат зонасидан ер майдони ажратиб берди. Натижада бу ерда ўз корхонамизни бунёд этиб, ишлаб чиқаришни бошлаб юбордик.

Айни пайтда корхонада чойнак, пиёла, коса ва лиқобча каби 4 турдаги чинни буюмлар ишлаб чиқарилмоқда. Бу фаолият ортидан эса ҳудуддаги 10 нафар фуқаронинг доимий иш билан бандлиги таъминланган.



Тадбиркорнинг айтишича, тез орада корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тури ҳам, ишчилар сони ҳам янада ортади.

- Ҳозир ишлаб чиқараётган маҳсулотимизни ички бозорга етказиб беришни бошладик, - дейди Собир Хоналиев. - Маҳсулот-

ларимиз ўзининг сифати ва нархи билан харидорларга манзур бўлмоқда. Бу эса бизни фаолиятни янада кенгайтиришга ундаяпти. Ҳозир 4 турдаги чинни буюмлар ишлаб чиқараётган бўлсак, иккинчи босқичда эса яна 8 турдаги буюмларни ишлаб чиқариш-

ни йўлга қўймоқчимиз. Ҳозир бу борада ҳам ҳаракатни бошладик. Учинчи босқичда маҳсулотларимиз тури янада ортади. Бунинг учун керакли қолипларни олиб келиб ўрнатсак бўлгани.

Ж. БОЙМУРОДОВ

ЯНГИЛИКЛАР СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРГА ЕТКАЗИЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 28 декабрдаги "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонуни қабул қилиниб, ушбу қонун билан Солиқ кодексининг 46 моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Ушбу янгиликларни аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига етказиш мақсадида Қашқадарё вилояти солиқ бошқармаси томонидан амалий семинар ташкил этилди.

Семинарда соҳа масъуллари ва тадбиркорлар иштирок этди.

Таъкидландики, халқаро молия институтларидан жалб қилинадиган давлат ташқи қарзи ҳисобидан амалга оширилаётган бюджет ташкилотларининг лойиҳалари, шунингдек, давлат корхоналари ҳамда давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган юридик шахсларнинг инфратузилма лойиҳалари доирасида товарларни реализация қилиш ва уларнинг импорти 2024 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар ҚҚСдан озод қилинмоқда.

Олдин бу солиқ имтиёзи 2020 йилнинг 1 июлига қадар Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари директорлари кенгаши томонидан маъқулланган лойиҳалар бўйича ушбу лойиҳаларни амалга ошириш муддати тугагунга қадар амал қилар эди.

2024 йилнинг 1 апрелидан дори воситалари, шунингдек, ветеринария дори воситалари, тиббий ва ветеринария хизматлари бўйича ҚҚС бўйича берилган имтиёзлар бе-



кор қилинади.

Бунда "Ижтимоий реестр"га киритилган фуқароларга ҚҚС суммаси (12 фоиз)ни "кэшбек" сифатида қайтариш механизми яратилади.

- Юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи бўйича ҳар ой бўнак тўловларини тўлаши лозим бўлган тадбиркорлар даромадининг чегаравий миқдори 5 миллиард сўмдан 10 миллиард сўмга оширилмоқда. Бу билан Солиқ кодексининг 483-моддасига ўзгартириш кири-

тилди, - дейди Солиқ қўмитасининг бошқарма бошлиғи Комил Саидов. - Мол-мулк солиғининг асосий ставкасини (1,5 фоиз) сақлаб қолган ҳолда, солиқ базасини аниқлашда 1 квадрат метр учун ўрнатилган ми-

нимал қиймат вилоят марказлари учун - 2 миллион сўм (амалда 1,5 миллион сўм), бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойлар учун - 1,2 миллион сўм (амалда 1 миллион сўм) миқдорда белгиланмоқда. Шунингдек, семинарда қонунчиликдаги бошқа янгиликлар бўйича ҳам батафсил маълумотлар берилди. Солиқ тўловчиларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилди.

Ўлмас БАРОТОВ,
ЎЗА

УШБУ СОНДА: ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУН



КИМЛИГИНГНИ УНУТМА, БОЛАМ



ИММУНИТЕТНИ КЎТАРИШ УЧУН ҚАНАДАЙ МАҲСУЛОТЛАР ИСТЕЪМОЛ ҚИЛГАН МАЪҚУЛ?



2024 йил – солиқ ва бюджет сиёсати: янгиликлар нималардан иборат?

Барчамизга маълумки ҳар йил сўнгида кейинги йил бюджет режалари ва устувор йўналишлари белгилаб олинади.

Ўзбекистон Республикасининг 2023 йилнинг 25 декабрида "2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги ЎРҚ-886-сонли Қонуни қабул қилинди ва Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 28 декабрдаги "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-891-сонли Қонуни қабул қилиниб, ушбу қонун билан Солиқ кодексининг 47 моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

ЮРИДИК ШАХСЛАР БЎЙИЧА

1. Қўшилган қиймат солиғи бўйича

Халқаро молия институтларидан жалб қилинадиган давлат ташқи қарзи ҳисобидан амалга ошириладиган бюджет ташкилотларининг лойиҳалари, шунингдек давлат корхоналари ҳамда давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган юридик шахсларнинг инфратузилма лойиҳалари доирасида товарларни реализация қилиш ва уларнинг импорти 2024 йил 1 январдан 2028 йил 1 январга қадар ҚҚСдан озод қилинмоқда.

Ушбу имтиёз фақат 2020 йилнинг 1 июлга қадар Халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотлари директорлари кенгаши томонидан маъқулланган лойиҳалар бўйича солиқ имтиёзи ушбу лойиҳаларни амалга ошириш муддати тугагунга қадар амал қилар эди. (Халқаро молия институтлари булар Осиё тараққиёт банки, Европа тикланиш тараққиёт банки)

2) 2024 йилнинг 1 апрелидан қуйидагилар бўйича берилган имтиёзлар бекор қилинади:

- дори воситалари, шунингдек ветеринария дори воситалари, тиббий ва ветеринария хизматлари бўйича;

Бунда "Ижтимоий реестр"га киритилган фуқароларга ҚҚС суммаси (12 фоиз) "кэшбек" сифатида қайтариш механизми яратилади.

Мисол учун, Қарши шаҳрида жойлашган "AZIZ-M" хусусий корхонасининг 2023 йилнинг 9 ойида жами товар айланмаси 36,5 млрд.сўм ташкил этиб, шундан 35,5 млрд.сўмлигига ҚҚСдан имтиёз қўлланилган. 2024 йил 1 апрелдан бошлаб ушбу корхона томонидан дори воситалари ҚҚС билан сотилиши натижасида 3.1 млрд сўмлик ҚҚС суммасини "ҳисоб"га олиш имконияти пайдо бўлиб, маҳсулот танннархи шу суммага камайиши таъминланади корхона томонидан охир оқибат

ўзи томонидан қўйилган устамага нисбатан 12 фоиз ҚҚ солиғи бюджетга тўланиши юзага келади. Албатта ҚҚ солиғининг занжири узилмаган ҳолларда ҳисоб китоблар бўйича дори-дармон нархлари қисман кўтарилиши кутулсада, ўртача 10-10 фоиз устама билан ишлайдиган корхоналар учун бюджетга тўлаш учун (заҳётни ҳисобга олиб) ҳисобланадиган ҚҚС солиғи юки, товар айланма-нинг 1-1.5 фоизи атрофида бўлиши кутилади.

Солиқ кодексининг айрим ҳолларда нол даражали ставканинг қўлланилиши 264-моддасидаги учинчи қисм сув таъминоти, канализация, санитария жиҳатдан тозалаш, иссиқлик таъминоти бўйича аҳолига кўрсатиладиган хизматларни реализация қилишга доир айланмага, шу жумладан бундай хизматларни уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан аҳоли номидан, шунингдек идоравий уй-жой фонди уйларида яшаётган аҳоли учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясининг бўлинмалари томонидан олишга, ноль даражали ставка бўйича солиқ солинади деган қисми чиқариб ташланди. Эндиликда бур турдаги товар айланмасига 12 фоизлик ставкада қўшилган қиймат солиғи ҳисобланади.

2. Акциз солиғи бўйича

1) Жаҳон савдо ташкилоти талабларига мослаштириш, хусусан маҳаллий ва импорт акциз солиғи ставкаларини босқичма-босқич тенглаштириш мақсадида 2024 йил 1 январдан алкоголь ва тамаки маҳсулотлари импорти учун ставка 5 фоизга пасайтирилмоқда

2) 2024 йил 1 январдан тамаки маҳсулотлари бўйича акциз солиғи ставкалари 12 фоизга оширилмоқда.

2024 йил 1 апрелдан нефть маҳсулотлари учун акциз солиғининг қатъий белгиланган ставкалари

12 фоизга индексация қилинди. Шу ўринда 2024 йил 1 январдан АИ-80 бензинига акциз солиғи бўйича имтиёз муддати тугаганлиги ҳамда 1 апрелга қадар 2023 йилда амалда бўлган 1 литрига 425 сўм (1 тоннасига 516.0 минг сўм), 2024 йил 1 апрелдан эса шу мар-кадаги бензиннинг 1 литрига 476 сўм (1 тоннасига 633.0 минг сўм) акциз солиғи ҳисобланиши қайд этилади.

Шунингдек 2024 йил 1 апрелдан 12 фоиз индексация қилиниши ҳисобидан охирги истеъмолчиларга сотиладиган дизел ёқилғисининг 1 литри учун 476 сўм (1 тоннаси учун 578.0 минг сўм), суюлтирилган газнинг 1 литри учун 425 сўм (1 тоннаси учун 476.0 минг сўм) ва 1 куб метр сиқилган газ учун 678 сўм акциз солиғи белгиланди.

Аҳоли саломатлигига салбий таъсирларни камайтириш ва табиатга келтириладиган зарарларни қисқартириш мақсадида таркибида зарарли газ моддалари улуши юқори бўлган бензин маҳсулотларига акциз солиғи ставкаси индексация қилинган ва Евростандарт талабларига жавоб берадиган АИ-91 бензин ва октан миқдори ундан юқори бўлган бензин маҳсулотларига 2023 йилдаги ставка сақланиб (литрига 425 сўм тоннасига 565.0 минг сўм) қолинмоқда.

Маълумот учун: АИ-80 маркали бензиннинг атроф муҳит ва инсон саломатлигига салбий таъсири юқори ҳисобланади. Бундай маркадаги бензин кўплаб давлатларда ишлаб чиқарилмайди ёки қишлоқ хўжалиги мақсадларида фойдаланилади.

1 куб метр сиқилган газ учун акциз солиғи ставкасини индексация қилиниши натижасида нарх атиги 2,9 фоизга ёки 95 сўмга ошади.

2024 йил 1 июлдан бошлаб республикада ишлаб чиқарилган алкогольли маҳсулотлар учун акциз солиғи ставкаси 5 фоизга (амалдаги 1 литр учун 38,0 минг сўмдан

40,0 минг сўмга) оширилмоқда.

3. Фойда солиғи бўйича

1) Фойда солиғи бўйича ҳар ой бўнақ тўловларини тўлаши лозим бўлган тадбиркорлар даромадининг чегаравий миқдори 5 млрд сўмдан 10 млрд сўмга оширилмоқда. Ушбу билан Солиқ кодексининг 483-моддасига ўзгартириш киритилди.

Натижада ҳар ой бўнақ тўлаши лозим бўлган тадбиркорлар сони Қашқадарё вилояти бўйича 1210 нафардан 730 нафарга тушади ва 480 та тадбиркорлик субъект ихтиёрида 12 млрд сўм миқдорида маблағ қолади.

Мисол учун, Қашқадарё вилояти, Нишон туманидан рўйхатдан ўтган "NASAF MEGASTROY" МЧЖ томонидан 2022 йилда даромади 5 млрд сўмдан ошган бўлиб, 2023 йилда 80,0 млн сўм фойда солиғи бўнақ пули тўлаб берилган ва 4 марта бўнақ тўлови маълумотномаси тақдим қилинган. Мазкур норманинг амалиётга жорий қилиниши билан ушбу корхона томонидан 80,0 млн сўмлик бўнақ тўловини ўз бизнесини ривожлантириш учун айланма маблағ сифатида ишлатиш имконияти бўлади. Шунингдек бўнақ тўлови маълумотини беришдан озод этилади ва вақти тежалади.

4. Мол-мулк ва ер солиқлари бўйича

1) Мол-мулк солиғининг асосий ставкасини (1,5 фоиз) сақлаб қолган ҳолда, солиқ базасини аниқлашда 1 кв.м учун ўрнатилган минимал қиймат вилоят марказлари учун - 2 млн сўм (амалда 1,5 млн сўм), бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойлар учун - 1,2 млн сўм (амалда 1 млн сўм) миқдорида белгиланмоқда.

5. Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича

Солиғи ставкалари:
- саноат корхоналари, электр станциялар ва автотранспорт воситаларини ювиш шохобчалари учун 12 фоизга, иқтисодиётнинг бошқа тармоқдаги корхоналари учун 30 фоизга индексация қилинмоқда.

Яъни, ер усти ва ер ости сув манбалари бўйича белгиланган (1 куб.м учун) амалда солиқ ставкалари масалан саноат корхоналари учун 570 сўм/680 сўмдан - 638/760 сўмга,

- қишлоқ хўжалиги

корхоналари учун - 100 сўм (амалда 45 сўм) миқдорида белгиланмоқда.

Бунда, сув ўлчагич ускунаси урнатилганда - 0,7 камайтирувчи коэффициентни қўллаш тартиби сақланиб қолинади.

6. Ер қаридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича

1) Ер қаридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган оҳақтошнинг 1 тоннаси учун 4 баравага пасайтирилиб 6 000 сўм миқдорида (амалда 22 500 сўм) белгиланмоқда.

8. Айланмадан олин-диган солиқ бўйича

1) 2024 йил 1 январдан бошлаб айланмадан олин-надиган солиқнинг қатъий белгиланган суммаси йиллик 25 ва 34 млн сўм (2023 йилда 20 ва 30 млн сўм) белгиланди яъни инфляция даражаси миқдорида индексация қилинди.

ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР БЎЙИЧА

2. Жисмоний шахслардан олин-надиган даромад солиғи ва ижтимоий солиқ бўйича.

1) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 сентябрдаги "Капитал бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-291-сон қарорларига мувофиқ қуйидагилар жисмоний шахслардан олин-надиган даромад солиғидан озод қилинмоқда:

- акциялар оммавий жойлаштирилганда корхоналар ходимлари томонидан ўз ходимларининг акцияларга эгалик қилиш режаси доирасида акцияларни сотиб олишга йўналтирадиган ойлик иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларидан ошмай-диган маблағлари;

- фуқароларнинг маҳаллий фонд бозорида эмиссия қилинган қимматли қоғозларини сотиб олиш учун йўналтирил-диган даромадлари.

Бунда, мазкур имтиёз 1 йил давомида жами 105 млн сўм (меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдори-нинг 100 баравари) миқдор-гача йўналтирилганда ҳамда уларни 12 ой ичи-да қайтариб олмаслик шарти асосида қўллани-лади.

2) 2024 йил 1 январдан бошлаб:

- даромади 100 млн сўмдан ошган ўзини ўзи банд қилган шахсларни яқка тартибдаги тадбир-корлар учун белгиланган тартибда солиққа тортиш белгиланмоқда.

(Давоми 3-бетда).

2024 йил – солиқ ва бюджет сиёсати: янгиликлар нималардан иборат?

(Давоми. Боши 2-бетда).

Бунда, ўзини ўзи банд қилган шахслар томонидан ижтимоий солиқни ихтиёрий тўлаш тартиби сақлаб қолинмоқда.

Мисол учун: Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳрида "Миллий нон ва патирилари тайёрлаш ва сотиш" фаолияти билан шуғулланувчи ўзини ўзи банд қилган фуқаро М.Бердимуродов 2023 йил январь-ноябрь ойларида 167,7 млн сўмлик товар айланмасини амалга оширган.

Худди шундай фаолияти билан шуғулланаётган ЯТТ ушбу миқдордаги товар айланмадан 4 фоизли ставкада 6,7 млн сўм айланмадан олинган солиқни тўлаши лозим бўлади.

Маълумот учун, вилоятда ҳозирги кунда жами 177,0 минг нафар ўзини ўзи банд қилган шахслардан даромади 100 млн сўмдан ошгани 210 нафарни ташкил этади.

Хорижий мамлакатлар тажрибасида ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг ўз фаолиятидан олган даромадларида солиқ солишни назарда тутати.

Масалан: Буюк Британияда, Европа Иттифоқи мамлакатлари, Россия Федерацияси, Қозғистон, Беларуссия мамлакатларида ўзини ўзи банд қилган шахслар ўз фаолиятидан олган даромадларидан солиқ тўлайди.

3) 2024 йил 1 февралдан бошлаб якка тадбиркорлар учун қатъий белгиланган миқдордаги солиқ ставкалари 10 фоизга индексация қилинмоқда.

Мисол учун, чакана савдо фаолият тури бўйича вилоят марказлари бўлган шаҳарларда 660 минг сўмдан 726 минг сўмга, бошқа шаҳарларда 330 минг сўмдан 363 минг сўмга бошқа аҳоли пунктларида 220 минг сўмдан 242 минг сўмга ўзгармоқда.

Масалан, чакана савдо билан шуғулланаётган ЯТТ қатъий миқдордаги жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини Қарши шаҳрида 2023 йилда ойига 660 минг сўм тўлаган бўлса, 2024 йилда ойига 726 минг сўм тўлайди.

3. Мол-мулк ва ер солиқлари бўйича

1) Юридик шахслар-

нинг мол-мулк солиғи базасини аниқлашдаги 1 кв.м учун ўрнатилган минимал қиймат ўрнатиш тартибини жисмоний шахсларнинг нотурар объектларини солиққа тортиш учун ҳам қўллаш жорий этилмоқда.

Бунда солиқ тўловчига кўчмас мулк объектлари қийматини мустақил баҳолатиш ва натижалари бўйича солиқ ҳисоблаш ҳуқуқи берилмоқда.

Нотурар кўчмас мулк объектига эга республика бўйича 305,2 минг нафар жисмоний шахслар томонидан бюджетга 790 млрд сўм қўшимча солиқ ҳисобланган бўлса Қашқадарё вилоятида 52,4 минг нафар жисмоний шахслардан 85,0 млрд сўм қўшимча солиқ ҳисобланиши кутилмоқда.

Ушбу тартиб нотурар жой учун мўлжалланган кўчмас мулк объектлари жисмоний ёки юридик шахсга тегишлилигидан қатъий назар, уларни солиққа тортишда тенг шароит яратиш мақсадида киритилмоқда. Чунки камроқ солиқ тўлаш мақсадида юридик шахслар томонидан балансдаги кўчмас мол мулкни жисмоний шахсларга ўтказиб жисмоний шахс учун белгиланган ставкада солиқ тўлаш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

2) Жисмоний шахслар учун мол-мулк солиғи ставкалари 12 фоизга инфляция даражасида индексация қилинди.

Яъни, қурилиш майдо-ни 200 кв.метр гача бўлган уй-жойлар учун амалда базавий солиқ ставкаси 0,28 фоиздан - 0,31 фоизга, 200 кв.м дан ортиқ ва 500 кв.м гача уй-жойлар учун 0,37 фоиздан - 0,41 фоизга, 500 кв.м дан ортиқларга 0,49 фоиздан - 0,55 фоизга индексация қилинди.

Солиқ ставкаларини индексация қилиш солиқ солинадиган база мутлақ миқдорда белгиланган кўчмас мулкнинг кадастр қиймати бўлганлиги ва 2018 йилдан бери индексация қилинмаганлиги сабабли амалга оширилади.

3) Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер солиғининг базавий ставкалари 12 фоизга инфляция даражасида индексация қилинмоқди.

Яъни, амалда базавий солиқ ставкаси: юридик шахслар учун (1 гектар учун) жойлашган ҳудудларига қавраб 24-39 млн сўмдан 27-44 млн сўмга; жисмоний шахслар учун (1 кв.метр учун) Қашқадарё вилояти ҳудудларида 226-352 сўмдан 253-394 сўмга ўзгармоқда.

Янги жорий қилинаётган ҳамда бекор қилинаётган солиқлар ва йиғимлар бўйича

1) 2024 йил 1 апрелдан бошлаб таркибида шакар ёки бошқа ширинлаштирувчи ва (ёки) хушбўйлаштирувчи қўшимчалари бўлган минерал ва газланган ичимликларга 1 литр учун 500 сўм, шунингдек энергетик ва тетиклаштирувчи ичимликларга 1 литр учун 2 000 сўм миқдорида акциз солиғи жорий этилмоқда.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) таркибида газланган шакар ва бошқа турдаги ширинлаштирувчи моддалар қўшилган алкогольсиз ичимликлар мавжуд ичимликларни кўп истеъмол қилиш ортиқча вазн пайдо бўлиши, қандли диабет, кариес каби касалликларни кўпайишига сабаб бўлишини инобатга олиб ушбу ичимликлар учун қўшимча солиқ киритишни тавсия этган.

Бюджетга қўшимча 354 млрд сўм маблағ тушиши кутилмоқда.

Ушбу солиқ тури бўйича тушумлар тўлиқ ҳолда Тиббиётни ривожлантириш жамғармасига йўналтирилиши белгиланмоқда.

Ушбу ичимликлар нархи ўртача 1 литр учун 5,6 фоиздан 10 фоизгача ошади.

Ушбу солиқ 90 дан ортиқ мамлакатларда, шу жумладан Россия, Тожикистон ва Озарбайжонда ҳам жорий этилган.

2024 йил 1 апрелдан бошлаб юк кўтариш қуввати 10 тоннадан юқори транспорт воситалари ва тиркамалари учун табакалаштирилган йиллик 1,7-3,4 млн сўм (БҲМнинг 5-10 баравари) миқдорда "йўл йиғими" жорий этилмоқда.

Мазкур йиғим жорий этилиши натижасида республика бўйича 63 млрд сўм, жумладан Қашқадарё вилояти бўйича 7,8 млрд сўм маблағлар умумфойдаланишдаги йўлларни сақлаш ва жорий таъмирлаш учун йўналтирилади.

Республикада юк кўтариш қуввати 10 тоннадан ортиқ 30 080 та, Қашқадарё вилоятида 4000 дан ортиқ транспорт воситалари ва тиркамалар мавжуд.

Ушбу амалиёт Австралия (оғирлиги 4,5 тоннадан ортиқ), Германия (оғирлиги 12 тоннадан ортиқ), Англия ва Латвияда (оғирлиги 3,5 тоннадан ортиқ) жорий этилган.

2024 йил 1 июлдан пневматик резина шиналар ва покришқалар учун утилизация йиғими жорий этилмоқда.

Ҳозирги кунда автомобил шиналарини утилизация қилишда табиатга зарар етказилмоқда. Ушбу йиғимдан тушган маблағлар ижтимоий аҳамиятга эга дастурларни молиялаштиришга йўналтирилади.

Автомобиль шиналарининг 1 донаси вазнидан келиб чиқиб, 1 кг учун 1 020 сўм (БҲМнинг 0,3 фоизи) миқдорида утилизация йиғими белгиланган таклиф қилинмоқда.

Бюджетга қўшимча 49,1 млрд сўм маблағ тушиши кутилмоқда.

Масалан, енгил автомобилларнинг 4 та шинаси ўртача 6 кгдан 17 кггача бўлса, улар учун 6,2 минг сўмдан 17,3 минг сўмгача, юк автомобиллар шиналарига 11,3 минг сўмдан 58,8 минг сўмгача йиғим ундирилади.

Қозғистонда 1 дона енгил автомобил шинаси (R15) учун

350 тенге (9,1 минг сўм), юк машинаси (R20) учун 1 856 тенге

(47,5 минг сўм) утилизация йиғими ундирилмоқда.

Маълумот учун: Ўзбекистонда автомобил шиналари ишлаб чиқарувчиси ҳисобланган "БРТЗ" МЧЖ томонидан 2023 йилда 350 минг дона атрофида қиймати 121 млрд сўмлик шина маҳсулотлари ишлаб чиқариш мўлжалланган ёки йиғим суммаси 5,8 млрд сўмни (4,8%) ташкил қилади.

2. 2024 йил 1 январдан 2025 йил 31 декабргача металлларни қазиб олувчи, шунингдек, углеводород хом ашёсини қазиб олувчи юридик шахсларга махсус рента солиғи қўлланилмаслиги назарда тутилмоқда (амалда солиқ ставкаси солиқ базасига нисбатан 25 фоиз миқдорида белгиланган).

Ушбу меъёр чет эл инвесторлари учун фойдали қазилмалар кам бўлган, камайиб бораётган ёки

қазиб олиш камаяётган конларни ўзлаштириш мақсадида, чет эл инвесторларига республиканинг қазиб олиш соҳасига инвестицияларни жалб қилиш учун жозибодор инвестиция шарт-шароитларини шакллантиришга қаратилган.

Солиқ маъмуриятчилигидаги бошқа ўзгаришлар бўйича

1. Камерал солиқ текширувида:

тадбиркордан ҳужжат талаб қилиш, бино ва ҳудудларига кириш ёки уни идорага чақириш тақиқланмоқда;

2023 йилда вилоятда 1,2 мингта камерал солиқ текширувлари ўтказилган бўлиб, 850 та ҳолатда тадбиркордан ҳужжатлар сўраб олинган.

Шунингдек қўшимча ҳисобланган солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш жорий этилмоқда (амалда бошқа текширишлар учун бор эди).

Камерал солиқ текшируви натижасида вилоят бўйича қўшимча ҳисобланган 89 млрд сўм миқдоридаги солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти яратилади.

2. 2024 йил 1 январдан тадбиркорларнинг солиқ идоралари билан бўладиган барча низолари маъмурий суд ваколатига ўтказилмоқда (амалда иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилади) ҳамда солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати 3 йилгача (амалда 5 йил) қисқартирилмоқда; (Ушбу билан Солиқ кодексининг 22-84-88-104-105-194 ва 217-моддаларидаги 5 йил сўзи 3 йил сўзи билан ўзгартирилмоқда)

Маълумот учун: 2023 йилда вилоятда юзага келган 560 та низолардан 405 таси (72 фоиз) иқтисодий ва 155 таси (28 фоиз) маъмурий судларда кўриб чиқилган.

3. Ресурс солиқларининг ўз вақтида тўланишини таъминлаш мақсадида солиқ тўловчининг шахсий кабинети, уяли телефон рақамига ва солиқ органларининг махсус мобиль иловасига СМС-хабарнома шаклида солиқни тўлаш тўғрисида хабарнома юбориш тартиби киритилмоқда.

Амалда хабарнома солиқ тўловчиларга фақат имзо қўйдирилган ҳолда ёки почта орқали берилади.

К. БОБОМУРОДОВ, вилоят солиқ бошқармаси масъул ходими

ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ: НАЗАРИЯ ВА АМАЛИЁТ УЙҒУН

Бугунги кунда мамлакатимизда замонавий технологиялар билан таъминланган ишлаб чиқариш корхоналари сони йил сайин ортмоқда. Айниқса, тўқимачилик соҳасида. Ўз навбатида ушбу корхоналардаги технологияларни тушунадиган ва уларни ишлата оладиган ишчи ходимларга бўлган талаб ҳам ошмоқда.

Шу мақсадда Қашқадарё вилояти Қарши туманида жойлашган "Ўзтўқимачилик-саноат" уюшмаси таркибидаги Қарши тумани энгил саноат коллежида дизайнер ва технологиялар тайёрлашда Германия тажрибасидан фойдаланган ҳолда Хитойнинг "LT Textile International" хорижий корхонаси, "Cotton Road", "Темурбек mega tekstil" МЧЖлар билан ҳамкорликда дуал таълим тизимида ип йигирувчи, техник-технолог, дизайнер-конструктор йўналишларида кадрлар тайёрлаш йўлга қўйилди.

Бугунги кунда хитойлик ва туркиялик тажрибали мутахассислар жалб этилган ҳолда тайёрланган битирувчилар вилоятнинг 100 га яқин корхонасида фаолият олиб бормоқда. 78 нафар ёш ҳозирги кунда ишлаб чиқариш корхоналарида дуал таълим асосида таълим олиб, ишлаб чиқариш жараёнида бевосита иштирок этмоқда. Айни пайтда мазкур коллежда ҳозирги кунда 553 нафар талаба таълим олмоқда.

Ҳам ўқиб, ҳам ишлаш. Бир қараганда бу иккисини бирга олиб бориш биров мушкулдек туюлади. Аммо аслида бундай эмас, дейди коллежда дуал таълим йўналишида таҳсил олаётган ўқувчилар.

- Дуал таълим асосида йигирув бўлимида ҳам ўқиб, ҳам ишлабман, - дейди Дилноза Анварова. - Оиламизга даромад ҳам олиб кираман. Корхонада 4 кун ишлайман, икки кун коллежда ўқийман. Ишим ўзимга жуда ёқади. Тажрибали мутахассислардан кўп билимларни ўрганапмиз. Шу боис ускуналарни ишлатишда қийналмайман.

Йирик корхонада ҳам ўқиб, ҳам ишлаб келаётган Мухайё Поёнова учун таълимдаги бу йўналиш унга катта имкониятларни тақдим этди. Коллежда олган назарий билимларини корхонада амалда қўлларкан, бу унинг малакали мутахассислардан бирига айланишига хизмат қилмоқда.

- Дуал таълимнинг афзаллиги шундаки, биз ҳам ўқиймиз, ҳам ишлапмиз, - дейди Д.Поёнова. - Тажрибали мутахассислардан назарий билимларни олсак, корхонада бевосита ишлаб чиқариш жараёнида қатнашамиз ва ўрганганларимизни қўллаймиз. Ўз йўналишим бўйича ишлаётганимдан хурсандман.

Чет эл тажрибаси асосида коллежда дизайнер ва

технологлар тайёрланмоқда. Ишлаб чиқариш корхоналаридаги малакали чет эллик мутахассисларни жалб қилган ҳолда ушбу гуруҳларда мунтазам дарслар ташкил

корхоналари ҳамда технологик компаниялар имкониятлари ўрганилиб чиқилиши белгилаб олинган.

Анъанавий таълим шаклида ўқувчи таълим муассаси



этиб келинмоқда. Аҳамиятлиси, бугун дуал таълимни ривожлантиришда хорижлик мутахассисларни жалб этиш ва улар томонидан малака дарсларининг ўтилишига эътибор қаратилаётгани ўқувчиларнинг соҳани тезроқ ўзлаштириб олишларида муҳим роль ўйнамоқда. Мазкур коллежда ҳам туркиялик мутахассислар тикувчилик йўналишида ўз тажрибаларини ўртоқлашиб келмоқда.

- Туркияда 25 йилдан бери текстиль соҳасида фаолият юритиб келаман, - дейди туркиялик мутахассис Энгин Бичар. - Ушбу йўналишдаги тажрибаларимизни ўзбек қардошларимизга ҳам улашишни, бу ерда ҳам текстиль соҳаси бўйича яхши мутахассисларни тайёрлашни мақсад қилганмиз. Бу ерда ҳамма шароит бор. Жуда ақли ва яхши инсонлар бор. Имкониятлар ҳам кўп. Фабрикалар жуда яхши. Туркиядаги бутун технологиялар бу ерда ҳам бор. Аммо фақатгина яхши мутахассисларни тайёрлаш керак, холос. Албатта, буни ҳам биргаликда амалга оширамиз, насиб этса.

Бундан ташқари, ёшларни холис танлов асосида сараланган ҳолда 1 ойдан 3 ойгача муддатга хориж давлатларига йирик саноат (енгил саноат) корхоналарида тажриба ва кўникмаларини орттириш, ишлаб чиқариш

ниш, замон талабига мос маҳсулот ишлаб чиқариш. Ушбу жараёни амалга ошириш учун давлатимиз раҳбарининг топшириқларига асосан мутахассисларимизни дуал таълим асосида жаҳон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда тайёрлаш ишларини амалга оширмоқчимиз. Шу мақсадда Қарши

тумани энгил саноат коллежида чет эл тажрибаси асосида дизайнерлар ва технологлар тайёрланмоқда. Ушбу коллежимиз вилоятдаги энгил саноат корхоналари билан узвий боғлиқ ҳолда фаолият олиб борапти. Шу кунга қадар "LT Textile International" хорижий корхонасига 26 нафар йигирув технологияси бўйича мутахассислар тайёрлаб йўналтирилди. Коллежда Туркия давлатидан ҳам мутахассислар жалб қилдик. Улар ёрдамида келгусида маҳаллий мутахассислар ҳам тайёрланади. Келажакда Қашқадарё тажрибаси асосида бошқа вилоятларда ҳам худди шундай дуал таълим асосида ўқитадиган коллежлар фаолияти йўлга қўйилади. Насиб бўлса, бутун бир соҳани етук мутахассислар билан таъминлайдиган таълим тизимини яратишни мақсад қилганмиз.

Дуал таълим йўналиши бўйича дизайнер ва технологлар тайёрлашда Германия тажрибасидан фойдаланган ҳолда ўқувчилар ўқиш билан бирга вилоятдаги йирик тўқимачилик корхоналарида иш фаолиятини ҳам олиб бормоқда. Шу билан бирга коллежда Туркия, Покистон, Ҳиндистон, Хитой, Бангладеш давлатларидаги йирик корхоналарда малака ошириш жараёнларини ташкил этиш механизми ҳам ишлаб чиқилмоқда.

Ўлмас БАРОТОВ

НИМА УЧУН ПУЛНИНГ ҚАДРИ ОЛТИН БИЛАН ЎЛЧАНАДИ?

Биз пул деб ҳисоблайдиган, металл тангалар ёки серхашам қоғозлар аслида шунчаки рамзлар холос. Бироқ мана шу рамзлар муайян бойлиқнинг вакиллари дегир ёки далиллари дегир. Пуллар уларни чиқарган давлат хазинасида мавжуд қимматбаҳо металллар миқдори билан тасдиқланади. Пул қадрини белгилашда цивилизацияга эришган бутун дунёда меъёр бўлиб олтин ва кумуш хизмат қилади. Бу қимматли металллар анча ноёб ва ўз аҳамиятини йўқотмайди, бироқ уларнинг заҳираси бозор эҳтиёжларини қондиришга етади.

Бошқача қилиб айтганда, қоғоз пул ва тангалар пул сифатида давлат томонидан чиқариладиган экан, улар ўз қадрларига эгаллиги тан олинади, чунки улар давлат хазинасидаги олтин ва кумуш миқдори билан мустаҳкамланган.

1821 йилда Буюк Британия ўз пул тизимининг асоси сифатида монометаллизм (яъни фақат бир хил металлдан фойдаланиш)ни жорий қилди. Олтин расмий валюта сифатида қабул қилинган эди. 191 йилга келиб олтин ер юзидаги барча валюталарнинг ўлчов бирлиги бўлиб қолди. Нархнинг стандарт меъёрига эга бўлган мамлакатлар энди бемалол бир-бирлари билан савдо сотиқ қилишлари мумкин бўлиб қолди. Америка Қўшма Штатларининг доллари, Франциянинг франки, немис маркалари олтинда ифодаланган белгиланган қийматга эга эди.

1933 йилга келиб аксарият мамлакатлар олтин стандартидан биров чекинадилар. Бироқ ҳали ҳанузгача кўплаб мамлакатлар валютаси, шу жумладан АҚШ валютаси ҳам белгиланган олтин баҳосида меъёрланган. Олтин халқаро савдода ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Ҳукумат қўйма олтинларни сотиб олади ва сотади. Олтиннинг бир қисми халқаро қарзларни тўлаш учун сарфланади, қолган қисми эса сақланади. Сақланадиган олтинга давлатнинг олтин заҳираси дейилади.

Лочин тайёрлади.

КИМЛИГИНИ УНУТМА, БОЛАМ

Бугун курраи заминда алғов-далғовли, тахликали воқеа-ходисалар кечмоқда. Қайдадир давлатлар бир-бирига курол ўқталиб, уруш қилмоқда, қайдадир ер силкиниши, сув тошқини сабаб одамлар курбон бўлмоқда. Хайриятки, бизнинг юртимиз тинч, сарҳадларимиз осойишта. Аммо бу бир лаҳза ҳам хушёрликни йўқотишимизга сабаб бўлолмайди. Шу юрт учун, шу Ватан учун ҳамиша сергак туришимиз керак, чин маънода ватанпарвар бўлишимиз лозим. Ўша Широқ, Тўмарис, Спитамен, Нажмиддин Кубро, Мангуберди, Амир Темур сингари аجدодларимиздек ёхуд юрт эрки йўлида ҳам жонини, ҳам молини тиккан жадидлардай Ватанни севишимиз даркор. Хўш, Ватанга муҳаббат туйғусини ёшларимиз қалбида камол топтириш учун нима қилиш зарур?!

Илдизи замин тубига чуқур сингиб кетмаган, намхуш тупроқдан баҳра олмаган ҳар қандай дарахт қовжираб қуришга маҳқум бўлганидек ўзининг тарихини билмаган, ота-боболари кимлигини унутган авлоднинг келажиги ҳам муҳкам, қоронғудир. Ота-боболаримиз ўзларининг етти пуштарини билишгани бежизга эмас. Аждодларимизнинг киндик қони томган, уларнинг хоки ётган тупроқнинг нақадар муқаддас эканлигини англаб етиш учун юртимиз тарихини, миллий қадриятлари ва маданиятини, урф-одат ва анъаналарини, диний эътиқод ва маънавий-маърифий қарашларини ўрганиш, нафақат ўрганиш, балки, дилига жо қилиш, шу эзгу ақидалар асосида таълим-тарбия олиш ёшларимиз учун сув ва ҳаводек зарур эҳтиёж бўлмоғи шарт. Ана шу мезонлар асосида тарбияланган ёш авлод ҳақиқий ватанпарварлар бўлиб шаклланиши, шубҳасиздир.

Афсуски, кейинги пайтларда "Оммавий маданият" деган бузғунчилик кўплаб ёшларимизни қора аждар ҳодай ўз домига тортмоқда. Бу эса уларнинг миллий қадриятларимиздан узоқлашишига сабаб бўлмоқда. Ўзингиз ўйланг, ота-онага ҳурмат, одамларга яхшилик қилиб яшашдек инсоний фазилатларни ўзида мужасам этган ўзбекона тарбияни унутган кишидан қандай қилиб ватанпарварликни кутиш мумкин?

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш учун, энг аввало, уларни маънавиятли, маърифатли инсонлар қилиб камол топтиришимиз зарур. Ёшлар маънавиятини

юксалтиришда эса китобхонликнинг, бадиий адабиётнинг ўрни ниҳоятда катта, деб ўйлайман.

Президентимиз томонидан адабиётни, театрни, кино санъатини ривожлантиришга катта эътибор берилган бежизга эмас. Чунки ёшлар тарбиясини буларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Одамлардаги инсонийлик фазилатларини улуглаш, уларни эзгу ишларга ундаш бадиий сўз санъатининг бирламчи аъмолдир. Мисол тариқасида айтадиган бўлсак, буюк мутафаккир шоир Мир Алишер Навоийнинг биргина "Хамса" асари одамларни чин инсонлар қилиб тарбияладиган улкан тарбия дорилфунуни десак, муболаға бўлмайди.

Шу сингари китоб ўқиган боланинг тафаккури қанчалик юксалишини ҳаммамиз яхши биламиз. Бадиий асар ўқиган бола эртак қаҳрамонларидай ёмонликка қарши курашадиган, яхшиликка интиладиган, ўз юртини ёвлардан ҳимоя қиладиган жасур ва доно, юртпарвар инсон бўлишга ҳаракат қиладди. Мана, нимада бадиий сўзнинг сеҳри, қудрати. Бундай гапларни театрлардаги тарбиявий мавзудаги сахна асарлари ҳақида ҳам айтиш мумкин. Ёхуд кейинги йилларда суратга олинган "Ватан", "Илҳақ" бадиий фильмлари ва элпарвар жадид боболаримиз ҳаёти акс эттирилган кинофильмларни бир ёдга олинг-а, уларни



томоша қилиб ҳаяжонга тушган ҳар бир йигит-қиз қалбида шу она-Ватанга, эл-юртга меҳр-муҳаббат туйғулари жўш уриши табиий ҳолдир.

Бугунги кунда бутун дунёни ўргимчак тўридек ўраб олган интернет ҳозирги ёшларнинг фойдасига ҳам ишлаши мумкин, зарарига ҳам. Кундан оқилона фойдаланиб, керакли билим ва маълумотларни олган киши ютади. Аммо, муккасидан кетиб интернетга тобе бўлиш, ундаги ҳар хил ёлғон-яшиқларга ишониш анча-мунча фожеаларга ҳам олиб келиши мумкин.

Дунёнинг энг бой кишилари Билл Гейтс, Жозеф Безос ва бошқалар ўзлари эришган юксак муваффақиятларнинг сири кўп китоб ўқиганликларида деб билишади. Барибир, ҳеч қандай интернет-у компьютерлар китоб ўқиганчалик завқ бера олмайди кишига. Шундай экан, юксак муваффақиятлар калити кўп китоб ўқишда эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Маърифатпарвар жадид боболаримиз миллатнинг тараққий этиши учун нажот-билимда, деган ғояни илгари сурганлар. Бу гап бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотгани йўқ. Ёшларимиз тил ўрганиб, дунёнинг топ университетларида

сабоқ олиб, ўз билимларини юртимиз равнақи йўлида сарф этишлари чинакам ватанпарварлик намунасидир.

Жадидчилик ҳаракатининг етук намоёндаларидан бири, шоир Абдулҳамид Чўлпон "Бутун кучни халқ ичидан олайлик, Кучоқ очиб халқ ичига борайлик", деб ёзган эди. Шоир айтганидек, маънавият- маърифат халқ ичига кириб бормоқда. Жонажон Ўзбекистонимизнинг бўлган барча маҳаллаларида бўлгани сингари Қашқадарёнинг саккиз юздан ортиқ маҳалласига профессор ўқитувчилар, шоир ва ёзувчилар, маданият аҳли, санъаткорлар бориб, она-Ватан ҳақида сўз айтишарди, кўшиқлар куйланмоқда, шеърлар янграпти, хуллас, "Маҳаллада дув-дув гап" бўларди.

Бундан ташқари, ҳар қарич ерида бир авлиёнинг хоки ётган юртимизда ички туризм ривожланаяпти, муқаддас қадамжоларга саёҳатлар ташкил қилинапти.

Бир йил бурун Қашқадарё

вилояти ҳокимлиги ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ташаббуси билан таниқли адабиётшунос олим Беғали Қосимов туғилиб ўсган Касби туманининг Денов қишлоғидаги хонадонда олимнинг уй-музеи ташкил қилинди. Ёзувчилар уюшмаси томонидан олимнинг уч жилдлик асарлари нашр этилди. Маълумки, жадидлар ҳаёти ва фаолиятини биринчилардан бўлиб ўрганган ва бу мавзуга жамоатчилик эътиборини қаратган Беғали Қосимов эди. Таниқли адабиётшунос олим Озод Шарофиддинов уни "Сўнгги жадид", деб атагани бежизга эмас эди. Эндиликда воҳамиз ёшлари ушбу уй-музейга саёҳат қилиб, олимнинг жадидлар билан боғлиқ фаолияти билан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Буларнинг барчаси ёш авлодни Ватанга садоқат руҳида тарбиялашда муҳим аҳамиятга эга.

Шуни унутмаслик керакки, дунёда тиббиёт илмининг даҳоси Абу Али ибн Сино, қомусий олим Абу Наср Форобий, улуг ҳадисшунос олимлар имом Бухорий, имом Термизий, Бурхонуддин Марғиноний, буюк фалакшунос олим Абу Райҳон Беруний, улуг математик Ал-Хоразмий, буюк саркарда соҳибқирон Амир Темур, минглаб юлдузларни кашф этган илми нуҷум соҳиб Мирзо Улуғбек, назм мулкининг султони Алишер Навоий, шоҳ ва шоир Заҳириддин Муҳаммад Бобур сингари буюк аждодларнинг воришлари бўлган ҳозирги авлод вакиллари шу муқаддас замин фарзандлари бўлганлари учун фахрланишлари ва буюк аждодларга муносиб бўлишга интилишлари зарур.

Юртбошимиз Учинчи Ренессанс бунёдкорлари, дея юксак ишонч билдирган илми ёшлар Янги Ўзбекистон равнақи йўлида улкан ютуқларга эришишларига ишончимиз комил.

Ғулом АБДИЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар
уюшмаси Қашқадарё
вилояти бўлими раҳбари

Кўпчиликнинг ортиқча вазндан азият чекиши янгилик эмас, аммо орамизда вазн орттириш пайида бўлганлар ҳам анча-мунча. Хўш, қандай қилиб ҳеч қандай кўшимча дориларсиз, уй шароитида, тезда семириш мумкин? Мақоламиз айнан шу ҳақда!

Вазн ортиши нимага боғлиқ?

Тана вазни табиий ҳолда мушаклар ҳажми ҳамда ёғ қатламнинг ортиши, суякларнинг мустаҳкамланиши ва улар орасидаги бўшлиқ камайиши ҳисобига ортади.

Мушакларни чиниқтиринг!

Ёғ, асосан, вазндан кўра, қоматингизга таъсир кўрсатади. Ёғ қатлами мушаклардек зич бўлмагани сабабли, унинг ортиши бирдан кўзга ташланади. Эркакларда ёғ қатламининг ортиши тананинг қорин қисмига, аёлларда эса баданга сезиларли таъсир кўрсатади. Агар вазнингиз 10 кг ва ундан ортиқроқ миқдорда кўпайишини истасангиз, ёғ билан бир қаторда

УЙ ШАРОИТИДА СЕМИРИШ УЧУН НИМА ҚИЛИШ КЕРАК?

мушаклар ҳажмига ҳам эътибор беринг. Вазнингиз ортиши қоматингизни бузмаслиги учун керакли жойдаги (масалан, кўл ёки оёқ) мушакларни чиниқтириш лозим.

Кичик тавсиялар

Овқатланишдан аввал, албатта, бирор сеvimли мева ёки сабзавотдан тайёрланган шарбатни ичиб, иштахангизни очинг!

Кунига камидан олти марта ва иложи борица бир хил оралиқда тамадди қилинг.

Овқатланиб бўлгач, бироз муддат ҳеч қандай жисмоний меҳнат билан шуғулланмай, ҳордиқ чиқаринг.

Лимонўт (мелисса)ли дамлама ҳам тана оғирлигини ошириш хусусиятига эга.

Тезда вазн ортишига ёрдам берадиган хамирли, қовурилган таомлар ҳамда ширинликларни

одатдагидан кўпроқ истеъмол қилинг, аммо улар таомномангизнинг асосий қисмини эгаллаш шарт эмас.

Углеводлар, оксил ва ёғ (асосан ўсимлик ёғи)га бой бўлган таомларни истеъмол қилинг.

Спортнинг энгил турлари билан шуғулланиш ва ортиқча асаб-бузарликка йўл қўймаслик тавсия этилади.

Калориялар ҳақида ҳам унутиб қўйманг!

Вазн орттириш истагида бўлганлар, энг аввало, таомномасини калорияси юқори бўлган маҳсулотлар билан бойитиши лозим. Калориялар миқдори ёшга қараб ҳам белгиланади. Масалан, 18 ёшли қизга бир кунда 1760, 30 ёшлиларга 1860, 50 ва ундан юқори ёшли хонимлар учун эса 1660 калория зарур бўлади.



Эркакларда бироз фарқ қилади: 20 ёшли йигит бир кунда 3050, 40 ёшли киши 2480, 55 ёшдан ошган кишиларга эса 2000 калория тавсия этилади. Бу кўрсаткичлар вазни ўртача одамлар учун келтирилган. Таомномангиздаги калорияларни 3000-3500 га етгунича аста-аста кўпайтириб боринг. Ёғ калорияга бой маҳсулот писта бўлиб, 100 грамида 500 га яқин калория бор. Аммо жуда кўп миқдорда истеъмол қилинган писта тишга сезиларли зарар етказишини унутманг.

Семириш учун худди озишга ўхшаб астойдил кунт ва хоҳиш керак бўлади. Бунга асло унутманг.

ЯНГИЛИКЛАР СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАРГА ЕТКАЗИМОҚДА

Барчамизга маълумки, ҳар йил сўнггида кейинги йил бюджет режалари ва устувор йўналишлари белгилаб олинади.



Ўзбекистон Республикасининг 2023-йилнинг 25-декабрда "2024-йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида"ги ЎРҚ-886-сонли Қонуни қабул



қилинди ва Ўзбекистон Республикасининг 2023-йил-28 декабрдаги "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2024-йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги ЎРҚ-891-сонли Қонуни қабул қилиниб, ушбу қонун билан Солиқ кодексининг 46 моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.



Ушбу янгиликларни аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига етказиш мақсадида Қашқадарё вилояти солиқ бошқармаси томонидан амалий семинарлар ўтказилди.

СОЛИҚ СЕКТОРИДА САЙЁР ҚАБУЛ ЎТКАЗИЛДИ



Миришкор тумани солиқ инспекцияси бошлиғи - 4-сектор раҳбари Хамидулло Оймаҳмедов "Чандир" қишлоғида сайёр қабул ўтказди.

Қабулда фуқаролар томонидан турли соҳаларга оид мурожаат йўлланиб, бир қатори ечим топган бўлса, муддат талаб этувчи мурожаатлар ижроси назоратга олинди.

Шундан сўнг, сектор раҳбари мурожаатларни жойига чиқиб ўрганди.

НИШОН ВА ҚАРШИ ТУМАНЛАРИДА СОЛИҚ ТЎЛОВЧИЛАР УЧУН СЕМИНАРЛАР ЎТКАЗИЛДИ

- Солиқ кодексига киритилган ўзгартиришлар мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектларига етказиш мақсадида ташкил этилган тадбирларда жорий йилги солиқ ставкалари, солиқ имтиёзларини қўллаш тартиблари, камерал солиқ текширувини ўтказиш тартибидеги ўзгаришлар, 2024-йил 1-апрелдан ҚҚС бўйича айрим имтиёзлар бекор қилиниши каби ўзгаришлар юзасидан батафсил маълумотлар берилди.



Шунингдек, семинарда иштирокчиларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилди.

Бугун Чироқчи туманида аҳоли учун энг зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари нархи барқарорлигини таъминлаш, нарх-навони асосиз оширилишига йўл қўймаслик мақсадида Чироқчи тумани прокурори Баҳодир Худойкулов ва туман Солиқ инспекцияси бошлиғи Ғанишер Карамановлар туман марказидаги "Чироқчи деҳқон озиқ-овқат бозори"да бўлди.

ЧИРОҚЧИ ТУМАНИ ПРОКУРОРИ ВА СОЛИҚ ИНСПЕКЦИЯСИ БОШЛИҒИ БАЗОРДА НАРХ-НАВОНИ ЎРГАНАДИ



Сектор раҳбарлари базордаги тадбиркорлар ва сотувчилар билан суҳбатлашиб, нархларни сунъий равишда оширмасликка, базорда аҳоли учун энг керакли, кўп истеъмол қилинадиган маҳсулотларга мўътадил, ҳамёнбоп нархлар белгилаш хусусида уларга ўзларининг тавсияларини беришди.

Топшириқлар юзасидан тегишли ташкилотлар ва базор маъмурияти назорат олиб бориши айтиб ўтилди.

"СОЛИҚ" МОБИЛ ИЛОВАСИДА ЭЛЕКТРОН РАҚАМЛИ ИМЗОСИЗ ИЖАРА ШАРТНОМАЛАРИНИ ҲИСОБГА ҚЎЙИШ МУМКИН

- Жисмоний шахслар учун "Солиқ" мобил иловасида кўчмас мулк ижара шартномаларини ҳисобга қўйиш имконияти яратилди. Ҳисобга қўйиш илованинг "Ижарага бериш" менюсида Face ID (инсоннинг юз кўриниши) орқали амалга оширилади.

- Иловада:
- "Ижарани рўйхатга олиш"
- "Ижарани тасдиқлаш"
- "Ижаралар рўйхати"
- "Талабалар учун ижара шартнома" бўлимлари мавжуд.
- Ижара шартномаларини ҳисобга қўйишда ижарага берувчи жисмоний шахс томонидан ижарага берилаётган объект майдони, ижара даври, ижара суммаси ва ижарага олаётган жисмоний шахснинг шахсий идентификация рақами киритилиши лозим.

Ижарага олувчи жисмоний шахс жўнатилган маълумотларни текшириб, "Тасдиқлаш" тугмасини босгандан сўнг автоматик равишда ижара шартномаси солиқ органида ҳисобга олинади ва ҳисобга қўйилганлиги тўғрисида гувоҳнома шаклланади.

- Илованинг "Талабаларга ижарага бериш" бўлими орқали талабалар билан тузилган кўчмас мулк ижара шартномалари ҳисобга қўйилади.

Бунда, ижарага берувчи жисмоний шахс томонидан талабанинг шахсий идентификация рақами киритилганда унинг маълумотлари (Ф.И.О, манзили, олий ўқув юртининг номи, факультети ва босқичи) автоматик шаклланади. Талабалар Face ID ёки телефон рақамига СМС орқали келадиган 5 хонали рақамни киритиш орқали ижара шартномасини тасдиқлаши мумкин.

БЮДЖЕТ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Қашқадарё вилояти прокурори Б. Сайипов раҳбарлигида вилоятда бюджет тушумлари прогнозининг бажарилиши, бу борада мавжуд муаммоларнинг ўз вақтида ҳал этилиши юзасидан видеоконференция орқали йиғилиш бўлиб ўтди.

Унда вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, вилоят солиқ бошқармаси бошлиғи, департамент, бюро масъуллари ҳамда туман (шаҳар)ларнинг барча сектор раҳбарлари иштирок этди.

Йиғилишда белгиланган режалар ижросини ўз вақтида таъминлаш, қўшимча манбаларини аниқлаш ҳамда мулк ва ер солиқларини ундиришда фуқаролар ўртасида тарғибот ишларини янада кучайтириш юзасидан кўрсатмалар берилди.

ЎЗИНИ ЎЗИ БАНД ҚИЛГАН ШАХСЛАР УЧУН ҚАНДАЙ ИМТИ- ЁЗЛАР БОР?

Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг "Норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асосида шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ 2023 йил 1 январдан бошлаб:

- якка тартибдаги тадбиркорларга (ИТТ) мураккаб бўлмаган умумий қурилиш ва қурилиш-таъмирлаш ишлари (бетон қуйиш, бўёқчилик, сувоқчилик ишлари, гишт ва кафель териш, перфорация, дурадгорлик, чилангарлик ва бошқа умумий қурилиш ишлари)ни, шу жумладан юридик шахслар учун ҳам бажаришга;

- қурилиш-пудрат ташкилотларига умумий қурилиш ишларини бажариш учун шартнома асосида ЯТТларни жалб қилишга рухсат берилди.

- ЯТТлар умумий қурилиш ишларини бажариш учун 5 нафаргача ходимларни ёллаши мумкин.

- Умумий қурилиш ишларини бажариш фаолияти билан шуғулланаётган ҳамда камида 3 нафар ходимни ёллаган ЯТТга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан меҳнат қуроллари ва асбоб-ускуналарни сотиб олишга субсидия ажратилади. Бунда, субсидия миқдори битта ходим учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараваридан ошмаслиги лозим.

СОЛИҚ ХАБАРЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Норасмий бандлик улушини қисқартириш ҳамда меҳнат ресурслари балансини замонавий ёндашувлар асосида шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳақида маълумот берсангиз?

2023-йил 1-январдан бошлаб: якка тартибдаги тадбиркорларга (ЯТТ) мураккаб бўлмаган умумий қурилиш ва қурилиш-таъмирлаш ишлари (бетон қуйиш, бўёқчилик, сувоқчилик ишлари, ғишт ва кафел териш, перфорация, дурадгорлик, чилангарлик ва бошқа умумий қурилиш

ишлари)ни, шу жумладан юридик шахслар учун ҳам бажаришга; қурилиш-пудрат ташкилотларига умумий қурилиш ишларини бажариш учун шартнома асосида ЯТТларни жалб қилишга рухсат берилди. ЯТТлар умумий қурилиш ишларини бажариш учун 5 нафаргача ходимларни

ёллаши мумкин. Умумий қурилиш ишларини бажариш фаолияти билан шуғулланаётган ҳамда камида 3 нафар ходимни ёллаган ЯТТга Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан меҳнат қуроллари ва асбоб-ускуналарни сотиб олишга субсидия ажратилади. Бунда, субсидия миқдори битта ходим учун базавий ҳисоблаш миқдорининг 15 бараваридан ошмаслиги лозим.

Солиқ мобил иловасида ўзини ўзини банд қилган шахс сифатида рўйхатдан ўтиш мумкинми?

- Ўзини ўзи банд қилганлар солиқ тўламайди.
- Меҳнат стаж ҳисобланиши учун ихтиёрий равишда бир йил учун камида БҲМнинг 1 баробари миқдорида (340 000 сўм) ижтимоий солиқ тўлашлари мумкин - Солиқ кодекси 408-модда 2-қисм
- 100 дан ортиқ фаолият тури билан шуғулланиши мумкин (рўйхат бу ерда).
- Ходимларни жалб

Қандай ҳолларда ипотека кредитига олинган уйларга даромад солиғи имтиёзлари мавжуд?

Даромад солиғи имтиёзи фақат ёш оила учун ва субсидия асосида берилган ипотека кредитларига қўлланилади. ЖШОДСдан имтиёзлар:

Давлат бюджетидан ажратилган субсидия асосида олинган ипотека кредитлари ва уларга ҳисобланган фоизларга йўналтирилган МҲТЕКМнинг 80 бараваргача бўлган жисмоний шахсларнинг иш ҳақи ва бошқа даромадлари;

Ёш оила учун ажратилган

қила олмайди ва иш берувчига эга бўла олмайди - ПҚ-4742

5. Солиқ органларида рўйхатдан ўтиш Солиқ (Android/iOS) мобил иловаси орқали масофадан туриб амалга оширилади.

- Ўзини ўзи банд қилган шахсларнинг даромадлари 100 млн сўмдан ошганда якка тартибдаги тадбиркорлар каби солиқ тўлашга ўтади.

ипотека кредити ёки унга ҳисобланган фоизларни қоплашга йўналтирилган маблағлар эр-хотин ёки улардан бири белгиланган ёш (30 ёш) га тўлгунига қадар ЖШОДСдан озод этилган.

Агар 2023 йил 1 январдан кейин ипотека кредити ҳисобига олинган кўчмас мулк 36 ой ичида бошқа шахс номига ўтказилса, солиқ имтиёзи қўлланилган бутун давр учун солиқ тўлаш

ҚҚС бўйича айрим имтиёзлар бекор қилинди?

Қуйидагилар бўйича савдо айланмаси ҚҚСга тортилади.

тиббий хизматлар; ветеринария хизматлари; дори воситалари; ветеринария дори воситалари, тиббиёт ва ветеринария учун мўлжалланган буюмлар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда қуйидагилар ҚҚСга тортилади: дори воситалари, ветеринария дори воситалари, тиббиёт ва ветеринария учун мўлжалланган буюмлар, шунингдек қонунчиликда белгиланган рўйхат бўйича олиб кириладиган хомашё. Аввал улар ҚҚСдан озод қилинган.

мажбурияти тикланган ҳолда бекор қилинади.

Солиқ кодекси 378-модда 16-банд меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори - 1 050 000 х 80 = 84 млн сўм.

Камерал текширув натижаси бўйича тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти мавжудми?

Юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорларга камерал солиқ текшируви натижасида қўшимча ҳисобланган солиқларни 6 ой мобайнида тенг улушларда бўлиб-бўлиб тўлаш ҳуқуқи берилди.

Аввал солиқ аудити натижасида қўшимча ҳисобланган солиқларни 6 ой мобайнида тенг улушларда тўлаш имкони мавжуд эди.

Солиқ кодекси 100-модда.

Озиқ-овқат ва нооziқ-овқат товарлари билан савдо қилувчи якка тартибдаги тадбиркорлар 2024 йилда ойига қанчадан солиқ тўлайдилар?

Тошкент шаҳрида 907 500 сўм;

Нукус шаҳри ва вилоят марказлари бўлган шаҳарларда 726 000 сўм; бошқа шаҳарларда 363 000 сўм;

бошқа аҳоли пунктларида 242 000 сўм миқдорида қатъий белгиланган даромад солиғини тўлайди.

Барқарорлик рейтинг ҳақида тушунча берсангиз?

Барқарорлик рейтинг юқори бўлган тадбиркорларни рағбатлантириш чоралари жорий этилади. "Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида" Президент қарори қабул қилинди ПҚ-39-сон, 23.01.2024 й. 2024 йил 1 февралдан қонунчилик талабларига риоя этган ҳолда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларини аниқлаш ва қўшимча рағбатлантиришни назарда tutувчи Тадбиркорлик субъектларининг барқарорлик рейтингини жорий этилади. Рейтинг доирасида тадбиркорлик субъектлари қуйидаги тоифаларга ажратилади:

"AAA", "AA" ва "A" тоифалар - юқори барқарорлик рейтингини;

"BBB", "BB" ва "B" тоифалар - ўрта барқарорлик рейтингини;

"CCC", "CC" ва "C" тоифалар - қониқарли барқарорлик рейтингини;

"D" тоифа - қуйи барқарорлик рейтингини. Рейтинг Солиқ қўмитасининг "Тадбиркорларнинг барқарорлик рейтингини" электрон платформасида идораларо ахборот алмашинуви воситасида автоматик тарзда (онлайн) шакллантирилади ва Савдо-саноат палатасининг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилади. "AAA" тоифадаги тадбиркорлик субъектлари фаолиятида солиқ текширувлари ўтказилмайди (жинойи ишлар доирасида ўтказиладиган текширувлар бундан мустасно), шунингдек, ушбу тоифадаги тадбиркорлик субъектларига ҚҚС суммаси ўрнини қоплаш (қайтариш) бир кун муддатда текширувларсиз амалга оширилади. "А" ва ундан юқори тоифадаги тадбиркорлик субъектларига:

солиқлар бўйича (ҚҚС бундан мустасно) мавжуд ортиқча тўлов суммасини қайтариш 3 кун муддатда амалга оширилади; товарларни импорт қилишда ва товарларни (хизматларни) реализация қилишда тўланадиган ҚҚС суммаларини ўзаро ҳисобга олиш тартиби татбиқ этилади. Юқорида назарда тутилган рағбатлантириш чоралари давлат қорхоналари ҳамда устав капиталда 50 % ва ундан ортиқ миқдорда давлат улуши мавжуд бўлган юридик шахсларга нисбатан татбиқ этилмайди.

2024 йил 1 апрелдан тадбиркорлик субъектларига субсидия, имтиёз ва преференциялар уларнинг рейтинг даражасидан келиб чиққан ҳолда жорий этилади.

Оилавий тадбиркорларга неча нафаргача ходимни ёллаш ҳуқуқи берилган?

"Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонунга (ЎРҚ-890, 27.12.2023) киритилган ўзгаришга кўра, юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги оилавий тадбиркорлик субъектларига 5 нафаргача доимий ходимни улар билан меҳнат шартномасини тузган ҳолда ёллаш ҳуқуқи берилди (илгари 3 нафаргача эди). Шунингдек, бир оилавий қорхона иштирокчисига бир вақтнинг ўзида бошқа оилавий қорхона иштирокчиси бўлиш ҳуқуқи берилди. Маълумот учун!

Оилавий тадбиркорлар қуйидаги миқдорларда ижтимоий солиқ тўлайди: оилавий ЯТТ сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзоси учун - ойига 340 000 сўм; оиланинг бошқа аъзолари учун - ойига 170 000 сўм (18 ёшга тўлмаганлар бундан мустасно); савдо мажмуалари ва бозорларда фаолият юритувчи оилавий тадбиркорларнинг ёлланма ходимлари учун - ойига 170 000 сўм; бошқа оилавий тадбиркорларнинг ёлланма ходимлари учун - йилига 340 000 сўм.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи бўйича имтиёзлар Ўзбекистон Республикасининг 891-сонли Қонуни билан Солиқ кодексининг 378-моддаси 22 ва 23-қисмлар билан тўлдирилди ва ЖШОДСга тортилмайдиган даромадлар турлари кенгайтирилди?

22) акциялар оммавий жойлаштирилган қорхоналар ходимларининг ўз ойлик иш ҳақидан ва унга тенглаштирилган тўловлардан ошмайдиган, ушбу қорхоналар ходимларининг акцияларга эгалик қилиш режаси доирасида акцияларни сотиб олишга йўналтирилган маблағлари

; 23) солиқ тўловчилар иш ҳақининг ва бошқа даромадларининг маҳаллий фонд бозорида эмиссия қилинган қимматли қоғозларни сотиб олиш учун шахсий инвестиция ҳисобварағига йўналтирилаётган қисми, қуйидаги шартларда:

солиқ даври давомида жами меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг бараваригача бўлган миқдорда;

тўловлар ўсиб бормайдиган тартибда тўланганда ва бир йўла тўланадиган тўловларни шартноманинг амал қилиш муддати бошланган кундан эътиборан ўн икки ой ичида қайтариб олмаслик шarti билан. Ушбу банднинг шартлари бузилган ёхуд шартнома муддатидан олдин бекор қилинган ва пул маблағлари тўлиқ ёки қисман қайтарилган тақдирда, қайтариладиган маблағларга тўлов манбаида солиқ солиниши лозим.

Солиқ ҳисоботи ўз вақтида тақдим этилмаса?

Солиқ ҳисоботини ўз вақтида тақдим этмаганлик учун солиқ тўловчи бўлган юридик шахснинг мансабдор шахси ёки солиқ тўловчи бўлган жисмоний шахс маъмурий жавобгарликка тортилади.

Солиқ кодекси 220-модда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга мувофиқ, солиқ ҳисоботларини ўз вақтида тақдим этмаслик:

ЯТТларга - БҲМ*нинг 3 баравари миқдорида,

Юридик шахснинг раҳбарига - БҲМнинг 10 баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. МЖТК 175-модда 2-қисми Солиқлар ва йиғимларни тўлаш учун тўлов топшириқномасини хизмат кўрсатаётган банкка тақдим этмаслик ёки ўз вақтида тақдим этмаслик юридик шахснинг раҳбари ва ЯТТга - БҲМнинг 5 баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

МЖТК 175-модда 5-қисми Қандай ҳолларда солиқ ҳисоботларини тақдим этмаганлиги учун солиқ тўловчининг банк ҳисобварақлари бўйича операциялари тўхтатилади?

Солиқ тўловчилар солиқ ҳисоботларини белгиланган муддат тугагандан кейин 10 кун ичида тақдим этмаганда уларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялари тўхтатиб турилади.

Солиқ кодекси 111-модда 3-қисм 1-банд Қандай ҳолларда солиқ тўловчилар солиқ ҳисоботларини тақдим этмаганлик ҳамда тўлов интизомини бузганлик учун маъмурий жавобгарликдан озод қилинади?

Мазкур ҳуқуқбузарлик биринчи маротаба содир этилганда ҳуқуқбузарлик аниқланган пайтдан эътиборан 30 кун ичида ихтиёрий равишда бартараф этилган тақдирда жавобгарликдан озод этилади.

МЖТК 271-модда 11-банд Маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жарима солиш тўғрисидаги қарор қанча муддатда юборилади? Солиқ органларининг ахборот тизим орқали қайд этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун жарима солиш тўғрисидаги қарор жарима солиш тўғрисидаги қарор чиқарилган кундан эътиборан 3 кун ичида солиқ тўловчининг шахсий кабинетига юборилади.

Дехқон бозорларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари билан савдо қилувчи якка тартибдаги тадбиркорлар 2024 йилда ойига қанчадан даромад солиғи тўлайдилар?

Тошкент шаҳрида 302 500 сўм;

Нукус шаҳри ва вилоят марказлари бўлган шаҳарларда 181 500 сўм;

бошқа шаҳарларда 121 000 сўм;

бошқа аҳоли пунктларида 60 000 сўм миқдорида қатъий белгиланган даромад солиғи тўлайди.

Солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати беш йилдан уч йилга қисқарди?

Солиқ кодексининг 22-моддасига киритилган ўзгаришларга асосан, солиқ ҳисоботларини ва солиқларни ҳисоблаб чиқариш ҳамда тўлаш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатларни уч йил мобайнида бут сақланишини белгиланди.

Шунингдек, солиқ тўловчилар ва солиқ агентлари солиқ органларига солиқ ҳисоботи ва унга илова қилинадиган ҳужжатларни, агар Солиқ кодексида бошқача қоида белгиланмаган бўлса, ушбу ҳисобот тақдим этилган йилдан кейин камида уч йил сақлаш шарт. (Солиқ кодекси, 84-модда)

Солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддатлари солиқ даври тугагандан кейин беш йилдан уч йилга қисқартирилди. (Солиқ кодекси, 88-модда)

Вилоят солиқ бошқармаси Матбуот хизмати

ҚАРШИ ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИДА "TAX FREE" ТИЗИМИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

- Маълумки, ўтган 2023-йил 1-январдан бошлаб чет давлат фуқароларига улар томонидан Ўзбекистон ҳудудидаги чакана савдо билан шуғулланувчи тадбиркорлардан айрим турдаги товарларни сотиб олишда тўланган ҚКС суммасини қайтариш - "Tax free" тизими жорий этилди.

- Бугун Қарши халқаро аэропортида ушбу пул маблағларини қайтариш-ни расмийлаштириш жараёнлари билан шуғулланувчи "Солиқ сервис" унитар корхонасининг сервис шохобчаси иш бошлади.

- Очилиш маросимида Солиқ қўмитаси ҳузуридаги "Солиқ сервис" унитар корхонаси, вилоят солиқ бошқармаси ва Қарши халқаро аэропорти масъуллари иштирок этишди.

- "Tax free" республиканинг барча ҳудудларидаги чакана савдо объектларида қарор билан тасдиқланган рўйхатга киритилган товарларга нисбатан қўлланилади.

тик картасига ёки банк ҳисобварағига ўтказиб бериш тизим оператори "Солиқ-сервис" унитар



- Бунинг учун чет давлат фуқароси "Солиқ" мобил иловасида рўйхатдан ўтиши ва харидлари бўйича тақдим этилган он-лайн-НКТ фискал чекларини сканерлаши керак.

- "Tax free" суммасини ҳисоблаш, уни чет давлат фуқаросининг банк плас-

корхонаси томонидан амалга оширилади.

- "Tax free" суммаси чет давлат фуқаросининг республика ҳудудидан чиқиб кетиш ҳолати тасдиқланган сўнг, харид амалга оширилган ойдан кейинги ойнинг 25-кунидан кейин қайтарилади.

2024 ЙИЛДА СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИДА ҚАНДАЙ ЎЗГАРИШЛАР БЎЛДИ?

- Бугун Қашқадарё вилояти солиқ бошқармасида вилоят солиқ хизмати ходимлари учун навбатдаги касбий-иқтисодий ўқув соати бўлиб ўтди.

- Тадбирда вилоят солиқ бошқармаси ва унинг ҳудудий солиқ инспекцияларидаги студияларидан барча шахсий таркиб ходимлари иштирок этишди.



**ТАЪЛИМ УЧУН ЙЎНАЛТИРИЛГАН
МАБЛАҒЛАРДАН ДАРОМАД
СОЛИГИНИ МАСОФАДАН
ҚАЙТАРИБ ОЛИШ МУМКИН**

"Контракт", нодавлат мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари ҳамда ипотека кредитлари учун йўналтирилган маблағдан 12% даромад солигини қайтариб олишда солиқ органларига ташриф буюрмасдан, мй3.солиқ.уз орқали шарнома ва тўлов ҳужжатларини бириктирган ҳолда декларация юбориш мумкин.

"Солиқ декларацияларини юбориш" электрон хизматида фойдаланувчининг иш ҳақи ва бошқа даромадлари тўғрисидаги маълумотлар автоматик шаклланади.

Жисмоний шахсларнинг қуйдагилар учун йўналтирилган даромадларидан 12% миқдорида даромад солигини масофадан қайтариб олиш мумкин:

- контракт;
- нодавлат мактаб ва мактабгача таълим ташкилотлари;
- ипотека кредитлари.

САЙЁР ҚАБУЛ ЎТКАЗИЛДИ



Қашқадарё вилояти солиқ бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шўхрат Ражабов томонидан Дехқонобод туманининг 4-сектор ҳудудидаги "Мустақиллик" маҳалла фуқаролар йиғинида сайёр қабул ўтказилди.

- Қабулда фуқаролар ички йўللари таъмирлаш, электр энергияси таъминоти, мактабгача таълим ташкилотини қуриш, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя каби масалалар юзасидан мурожаатлар қилишди.

- Ечими вақт ва маблағ талаб этадиган мурожаатлар назоратга олинди.

- Қабул сўнггида бандлигини таъминлаш истагида бўлган ишсиз ёшларга электр печлари ва пайвандлаш аппарати берилди.

Қашқадарё вилояти солиқ бошқармаси бошлиғи, вилоят 4-сектор раҳбари, Шўхратали Имомов томонидан Қарши шаҳар 4-сектордаги "Равоқ" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида содир этилган жиноятнинг кенг жамоатчилик иштирокида муҳокамаси ўтказилди.

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШИШ- МУҲИМ МАСАЛА



- Унда жорий йилнинг 5 январ куни маҳалла ҳудудида жойлашган бозорда Косон туманида яшовчи фуқаро А.Б. гиёҳвандлик воситасини шартли харидорга сотаётганда қўлга олинганлиги маълум қилинди.

- Масъуллар ва жамоатчилик иштирокида ўтказилган йиғилишда мазкур жиноятнинг сабаблари, келиб чиқиш омиллари таҳлил қилинди.

- Муҳокамада жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш борасида сектор раҳбари, маҳалла мутасаддилари, профилактика инспектори ва бошқа ҳамкор идоралар масъуллари томонидан келгусида амалга оширилиши лозим бўлган масалаларга тўхталиб ўтилди.

ЖАМОАТЧИЛИК ИШТИРОКИДА МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

- Қашқадарё вилояти солиқ бошқармаси бошлиғи, 4-сектор раҳбари Шўхратали Имомов Қамаш туманининг "Чангак" маҳалласида бўлиб, маҳаллада яшовчи С.Х. томонидан содир этилган жиноятнинг жамоатчилик иштирокидаги муҳокамасида қатнашди.



- Унда фуқаро С.Х. томонидан ўғирлик содир этилиб, айбини яшириш эвазига ИИБ ходимларига пора таклиф этаётганда қўлга олинганлиги маълум қилинди.

- Масъуллар ва жамоатчилик иштирокида ўтказилган йиғилишда мазкур жиноятнинг сабаблари, келиб чиқиш омиллари таҳлил қилинди.

- Муҳокамада жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш борасида сектор раҳбари, маҳалла мутасаддилари, профилактика инспектори ва бошқа ҳамкор идоралар масъуллари томонидан келгусида амалга оширилиши лозим бўлган масалаларга тўхталиб ўтилди.

ДЕХҚОНОБОДЛИК ТАДБИРКОРЛАРГА СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР ТУШУНТИРИЛДИ



- Вилоят солиқ бошқармаси масъуллари томонидан ҳудудларда тадбиркорлар билан очик мулоқотлар ташкил этилиб, уларга 2024-йилда солиқ қонунчилигига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар тушунтирилмоқда.

- Дехқонобод туманида ўтказилган амалий семинарда ҳудудда фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари вакиллари ва ҳисобчилар иштирок этишди.

- Семинарда янгиликлар ҳақида батафсил маълумотлар берилмоқда. Жумладан, ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси цемент ишлаб чиқаришга мўлжалланган оҳақтошнинг 1 тоннаси учун 4 бараварга пасайтирилиб, 6 000 сўм миқдорида белгиланди.

- Очик мулоқот шаклида ўтган семинарда иштирокчиларни қизиқтирган барча саволларга жавоблар қайтарилди.

ТАДБИРКОРЛАР УЧУН СЕМИНАР

Косон туманида солиқ соҳасига оид сўнгги янгиликлар, қонунчиликка киритилган ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектларига етказиш мақсадида семинар ташкил этилди.

- Унда вилоят солиқ бошқармаси, туман солиқ инспекцияси мутахассислари томонидан Ўзбекистон Республикасининг тегишли Қонунлари билан Солиқ кодексига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар,

жорий йилги солиқ ставкалари тўғрисида батафсил маълумотлар берилди.

Семинар давомида камерал солиқ текширувини ўтказиш тартиби, қандай ҳолларда ўзини-ўзи банд

қилган жисмоний шахсларга ЯТТлар учун белгиланган тартибда солиқ солиниши, 2024 йил 1 апрелдан акциз солиғи солинадиган товарлар ва хизматлар доирасининг кенгайиши каби ўзгаришлар ҳам атрофлича тушунтирилди.

Иштирокчиларни саволларига жавоблар қайтарилди.

Саҳифа материалларини вилоят солиқ бошқармаси Матбуот хизмати раҳбари **Ф. ЖАББОРОВ** тайёрлади.

САЙЁР ҚАБУЛ: МУРОЖААТЛАР ИЖРОСИ РАЎБАРЛАР НАЗОРАТИДА



- Қашқадарё вилояти солиқ бошқармаси бошлиғи, 4-сектор раҳбари Шухратали Имомов томонидан Ғузор туманининг "Жонбулоқ" маҳалла фуқаролар йиғинида сайёр қабул ўтказилди.

- Қабулда фуқаролар ички йўлларни таъмирлаш, электр энергияси таъминоти, оқова сув таъминоти, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя каби масалалар юзасидан мурожаатлар қилишди.

- Айрим мурожаатлар жойида ҳал этилган бўлса, ечими вақт ва маблағ талаб этадиган масалалар ижроси назоратга олинди.

СОЛИҚ ҚАРЗДОРЛИГИНИ КАМАЙТИРИШГА БАҒИШЛАНДИ

Қамаши тумани ҳокимлиги биносида юридик ва жисмоний шахсларнинг мавжуд солиқ қарзини ундириш бўйича олиб борилаётган ишлар, йўл қўйилаётган камчиликлар ва келгусида амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни ташкил этиш мақсадида йиғилиш ўтказилди.



Унда вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Шерали Аширов, туман ҳокими Хуршид Усмонов, сектор ҳамда тегишли ташкилот раҳбарлари иштирок этди. Йиғилишда солиқ қарздорлигини камайтириш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олиниб, масъулларга зарур кўрсатмалар берилди.

Унутманг! Солиқларнинг вақтида тўланиши яшаб турган ҳудудларимизнинг янада обод бўлиши, ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилишига хизмат қилади.

СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР МОҲИЯТИ ТАДБИРКОРЛАРГА ЕТКАЗИЛМОҚДА

Муборак туманида 2024-йил 1-январдан бошлаб солиқ қонунчилигига киритилган ўзгаришлар ва уларнинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш мақсадида семинар ўтказилди.



Солиқ бошқармаси масъуллари томонидан ўтказилган тадбирда шаҳар ҳудудида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари ва инспекция ходимлари иштирок этдилар.

Семинарда сўзга чиққанлар қонунчиликдаги муҳим ўзгаришлар, хусусан, солиқ мажбурияти бўйича даъво қилиш муддати 5 йилдан 3 йилга қисқартирилганлиги, фойда солиғи бўйича ҳар ой бўнақ тўловлари тўлаши лозим бўлган тадбиркорлар даромадининг чегаравий миқдори 10 млрд сўм этиб белгиланганлиги, шунингдек, ўзини ўзи банд қилган шахсларга солиқ солиш тартибини такомиллаштириш, ҚҚС занжирининг узлуксизлигини таъминлаш борасида киритилган ўзгаришларга тўхталиб ўтилди.

Саҳифа материалларини вилоят солиқ бошқармаси Матбуот хизмати мутахассиси 3. КЕЛДИЁРОВ тайёрлади.

20 МИНГ ТАДБИРКОР- 500 МИНГ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС

Қашқадарё вилояти солиқ бошқармаси масъул ходимлари "20 минг тадбиркор-500 минг малакали мутахассис" дастурига киритилган Қарши шаҳридаги кичик саноат зонасида жойлашган "UzShoes" кўшма корхонаси, шунингдек, "Safco" тўқимачилик компанияси фаолияти билан танишдилар.

- Айтиш керакки, ушбу дастур доирасида "Ижтимоий ҳимоя ягона реэстри"га киритилган фуқароларни камида бир йил давомида иш билан таъминлаган тадбиркорларга солиқ имтиёзлари тақдим этилади.



ШАҲРИСАБЗ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА БЮДЖЕТГА СОЛИҚ УНДИРУВИ БУЙИЧА ЙИҒИЛИШ ЎТКАЗИЛДИ

Шу муносабат билан бўлиб ўтган йиғилишда солиқ тўловчи юридик ва жисмоний шахсларнинг масъулиятини ошириш, солиқ базасини кенгайтириш, ўтган йиллардан қолган солиқ қарздорлигини ундириш борасидаги ишларни самарали ташкил этиш масаласи кўриб чиқилди.

Танқидий-таҳлилий бўлган ушбу йиғилишда вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Шерали Аширов, шаҳар ҳокими Шерзод Бўриев, вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи Шохрух Худойбердиев, сектор раҳбарлари, ташкилот



ва муассасаларнинг масъул ходимлари иштирок этишди.

Йиғилишда вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари Шерали Аширов томонидан бюджетга солиқ ва бошқа йиғимларни ўз вақтида тўланишини ташкил

этиш бўйича штаб фаолиятини янада жадаллаштириш бўйича тегишли топшириқлар берилди.

Шу билан бирга, ҳар бир масъулларга бу борада ишларни қандай жонлантириш юзасидан аниқ тавсиялар айтиб ўтилди.

СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИГА КИРИТИЛГАН ЎЗГАРИШЛАР ТУШУНТИРИЛДИ

Касби тумани солиқ инспекциясида солиқ соҳасига оид сўнгги янгилликлар, хусусан 2024-йил 1-январдан солиқ солиш тартибига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар мазмун-моҳиятини тадбиркорлик субъектларига етказиш мақсадида семинар ташкил этилди.



Унда вилоят ҳамда туман солиқ инспекцияси мутахассислари Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари билан Солиқ кодексининг 46 та моддасига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар, жорий йилги солиқ ставкалари, муддати узайтирилган ва бекор қилинаётган солиқ имтиёзлари тўғрисида батафсил маълумотлар беришди.

Семинар давомида камерал солиқ текширувини ўтказиш тартиби, қандай ҳолларда ўзини-ўзи банд қилган жисмоний шахсларга ЯТТлар учун белгиланган тартибда солиқ солиниши, 2024-йил 1-апрелдан акциз солиғи солинадиган товарлар ва хизматлар доирасининг кенгайиши каби ўзгаришлар ҳам атрафлича тушунтирилди.

ГИЁҲВАНДЛИК - ХАВФЛИ ИЛАТ

Қашқадарё вилояти солиқ бошқармаси бошлиғи, вилоят 4-сектор раҳбари Шухратали Имомов томонидан Кўкдала туманида содир этилган жиноят муҳокамаси ўтказилди.

Муҳокама жараёнида вилоят божхона, ДХХ, ИИБ ходимлари томонидан "Гиёҳвандлик воситаларининг ноқонуний реализациясига қарши курашиш" йўналишида олинган тезкор маълумотларга асосан, Кўкдала тумани "Умакай" ИПХ масканида тезкор тадбир ўтказилганлиги айтиб ўтилди.

Унда "Сурхондарё-Самарқанд" йўналишида ҳаракатланиб келаётган, фуқаро С.М. бошқарувидаги "Ласетти" русумли автотранспорт воситаси ИПХ ходимлари иштирокида тўхтатилиб, кўздан кечирилганида, машинанинг олд йўловчи

ўриндигининг чехол чўнтагида йўловчи сифатида келаётган фуқаро А.Ш.га тегишли бўлган қора рангли селлофан пакетга солинган 3 дон алоҳида-алоҳида бўлинган тўқ жигар рангли, ўткир ҳидли, гиёҳвандлик моддалари борлиги аниқланиб, тегишли тартибда ҳужжатлаштириб олинган.

Шунингдек, муҳокама даво-

мида ҳудудда келгусида жиноятчиликни олдини олиш борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларга тўхталиб ўтилди.



БОЛАЛАР НАФАҚАСИНИ БЕРИШ ТАРТИБИДАГИ ЎЗГАРИШЛАРНИ БИЛАСИЗМИ?

Бугунги кунда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар вакиллариға ёки уларнинг фарзандларига тўланадиган нафақаларни белгилаш тартиблари ўзгармоқда, яъни инсон омили аралашмайдиган шаффоф механизм шакллантирилмоқда. Ўз навбатида аҳоли вакиллари янги-ча тизимга мослашиши ва тушуниши бироз қийин кечаётгани ҳам бор гап. **Бойси, ушбу масала юзасидан кунора мурожаатлар ҳам келиб тушмоқда. Хўш, янги тизимнинг қулайлик ва афзаллик томонлари қандай? Болалар нафақаси қандай тартибда расмийлаштирилади?**

Мамлакатимиз аҳолисининг ижтимоий ва моддий муҳофаза қилинишини таъминлайдиган ва жамиятда қарор топган ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий чора-тадбирлар давлат сиёсатининг муҳим омили ҳисобланади. Жамиятдаги аҳолининг ёши, саломатлик ҳолати, ижтимоий аҳоли, тирикчилик воситалари билан етарли таъминланмагани туфайли ёрдамга, кўмакка муҳтож фуқароларга ёрдам кўрсатиш азалий қадриятлардан саналади.

Ривожланган демократик жамиятда ижтимоий ҳимоя вазибалари ни бажаришни давлат ўз зиммасига олади. Ижтимоий ҳимоя тушунчаси биринчи марта 1935 йилда АҚШнинг "Ижтимоий ҳафсизлик бўйича қонун"ида қўлланилган, кейинчалик Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларида бу тушунча мазмун мукамаллаштирилган.

- Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 4 августдаги "Аҳолига давлат ижтимоий хизматлари ва ёрдам тақдим этиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорининг қабул қилиниши мамлакатимизда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга қаратилаётган эътибордан дарак беради, - дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Қашқадарё вилояти бошқармаси бошлиғи Жамшид Раҳмонкулов. - Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 10 ноябрдаги "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали кам таъминланган оилаларни аниқлаш ва уларга ижтимоий нафақалар тайинлаш бўйича электрон шаклда ариза беришни жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 596-сонли қарорининг қабул қилиниши ҳам бу борадаги ислохотларнинг узвий давоми десак адашмаймиз. Хусусан, 2023 йил 1 декабрдан соҳани рақамлаштириш орқали ижтимоий ҳимоя тизими шаффофлигини таъминлаш ва жараёнларни аҳоли учун қулай тарзда ташкил қилиш мақсадида амалдаги тартиб сақланиб қолган ҳолда 2024 йил 1 апрелдан кам таъминланган оилалар-

га болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлаш учун Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали онлайн ариза тақдим этиш тартиби жорий этилади.

Масъулнинг изоҳ беришича, чет элда ишлайдиган ёки чет элда тадбиркорлик ва бошқа фаолият турини амалга оширувчи шахслар тўғрисидаги маълумотлар Давлат персоналлаштириш марказининг электрон маълумотида асосан автоматик равишда бандлигини аниқлаш тартиби жорий этилмоқда. Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини ижтимоий нафақалар билан қамраб олишнинг манзиллилигини ошириш мақсадида оиланинг руҳий касалликлар диспансери рўйхатидаги аъзосига меҳнат органида ишсиз сифатида рўйхатда туриш талаби бекор қилинмоқда.

Расман никоҳи бекор қилинмаган, бироқ фарзандини ёлғиз тарбиялаётган оналарнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш мақсадида расман никоҳи бекор қилинмаган ҳолда суд қарорига асосан алимент тўлаб турган турмуш ўртоғи оила таркибига киритилмаслиги белги-ланмоқда.

2023 йил 1 ноябрдан бошлаб болалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчи оиланинг иқтисодий аҳоли ўзгариши ҳар ойда қайта ариза талаб этмаган ҳолда манфаатдор вазирликлар ва идораларнинг ахборот тизимларидан электрон шаклда олинган маълумотларга мувофиқ автоматик тарзда "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими орқали қайта ўрганилади.

2023 йил 16 ноябрдан бошлаб ишсиз, лекин бандлик органлари-га маслаҳат учун мурожаат қилганлигини инобатга олиб, болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинланган оилалар, нафақа тайинланган ойдан бошлаб 3 ой давоми-да меҳнатга лаёқатли аъзоларини меҳнат органи орқали касбга тайёрлаш, малака ошириш, қайта тайёрлаш ўқув курсларида ўқимаса, марказда иш изловчи ёки ишсиз сифатида рўйхатга олинмаса, меҳнат органларининг мақбул келади-ган ишга доир таклифларини мунтазам равишда рад этса ёки меҳ-



нат фаолиятини расмийлаштирма-са кейинги ойдан тўлов тўхтатиш амалиёти жорий этилмоқда.

2024 йил 16 июлдан Солиқ қўмитасининг фуқароларнинг иш ҳақининг яқка тартибдаги ҳисобини юритишнинг марказлаштирилган электрон реестри маълумотларида иш ҳақи тўғрисида маълумотлари мавжуд бўлган шахсларни меҳнат ёки фуқаролик-ҳуқуқий шартномалари "Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий-аппарат комплексида ҳисобда турганда расмий банд шахс сифатида қабул қилиш тартиби белги-ланмоқда.

- Амалдаги тартиб бўйича Кадастр агентлиги ахборот тизими-да томорқа ери мавжуд бўлганда ҳар 4 сотих ерга бир оила аъзоси автоматик равишда (ундан фойдаланишидан қатъи назар) банд бўлган шахс сифатида инобатга олинади ҳамда расмий даромад талаб этилмасдан болалар нафақаси ва моддий ёрдам тайинлана-ди, - дейди Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Қашқадарё вилояти бошқар-маси ижтимоий тўловлар шуъба-си бош мутахассиси Сардор Қаҳҳоров. - Оила аъзоси I ёки II гуруҳ ва 18 ёшгача болаликдан ногирон бўлган тўрт ва ундан ортиқ ўн саккиз ёшга тўлмаган фарзан-ди бор оиланинг меҳнатга лаёқат-ли аъзоларидан расмий бандлик талаб этмаслик бўйича тартиб жо-рий этилмоқда. Эгалигида енгил автотранспорт воситасининг иш-лаб чиқарилган муддати 12 йил-гача бўлган оилаларга нафақа олишга чеклов белги-ланмоқда.

Амалдаги тартибга кўра, хусу-сий секторларда ишловчи оналар

ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар корхона томонидан бола икки ёшга етгунча уни парвариш-лаш учун бериладиган ҳар ойлик нафақани олиш муддати тугагани-дан сўнг болалар нафақасини олиш учун маҳалла фуқаролар йи-гинларига мурожаат қилиши мум-кин.

Расмий даромад манбаларига эга бўлмаган "Темир дафтар" рўйхатида бўлган оилаларга бола-лар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинлашда расмий бандлик та-лаб этиш бўйича чекловлар бекор қилинмоқда.

Болалар нафақаси тайинланган оилада навбатдаги бола туғилган-да болалар нафақаси миқдори болаларнинг тегишли сонидан ке-либ чиқиб, кейинги ойдан бошлаб қайта ҳисобланади.

Бунда 2024 йил 1 январдан бош-лаб нафақа миқдорини қайта ҳисоблаш "Ижтимоий ҳимоя ягона реестри" ахборот тизими томони-дан автоматлаштирилган тарзда манфаатдор вазирликлар ва идо-раларнинг ахборот тизимларидан электрон шаклда тақдим этилган маълумотларга асосан амалга оши-рилади.

Масъулларнинг маълум қили-шича, 2023 йилнинг декабрь ойи ҳолатига кўра, вилоят бўйича бо-лалар нафақаси ва моддий ёрдам олувчи оилалар сони 254 мингта-ни ташкил этмоқда.

Бундай хайрли ишларнинг амалга оширилиши бағри кенг-лик тушунчаси билан чамбарчас боғлиқдир. Шундай экан, бу каби қарорларнинг ҳаётимиз ва келажак-имиз учун асосий аҳамият касб этишини ҳар бир фуқаро ҳис эт-моғи ва билмоғи жоиз.

Ўлмас БАРОТОВ

РАССОМЛАР, ҚАЛБЛАР, ЧАПАҚАЙЛАР...

* Сальвадор Дали ва-фот этган акасининг қалби ўзига кўчиб ўтганига ишон-ган.

* Далининг ҳар бир аса-рида ё ўзининг портрети, ёки гира-шира шарпаси бор.

* Камамбер пишлоғи-нинг қуёшда эриш жараё-нини кузатгач, Сальвадор Дали ҳаёлида оқаётган соат акс этган картинани яратиш ғояси пайдо бўлган.

* Эдгар Дега балет рақ-қосаларига шу қадар маф-тун бўлгани учун ҳам улар

иштирокида 1500 дан ортиқ асар яратган.

* Леонардо да Винчи мўйқаламига мансуб "Жо-конда" ("Моно Лиза") пор-трети 1912 йилда ўғирлан-ган. Мазкур картина қиди-рилган 3 йил давомида унинг асли деб ҳисоблан-ган саналган 6 та нусхаси каттагина маблағга сотил-ган.

* 1962 йилда "Жоконда" 100 млн. долларга, 2009 йилда эса 700 млн. доллар-га баҳоланган.

* Аксарият мусаввирлар ва санъаткорлар чапақай-дирлар.

* Леонардо да Винчи бир қўлида расм чиза ту-риб, иккинчи қўли билан ёза оларди.

* Клод Моненинг лото-реяда 100 минг франк юти-ши унга хат ташувчилик ишини ташлаб, расм чи-зиш билан шуғулланишига имкон берган.

* Вермеернинг 11 на-фар фарзанди бўлса-да, у бирор марта болалар су-

ратини чизмаган.

* Клод Моне ўқув-чилик пайтлари дар-сдаги асосий вақти-ни ўқитувчиларининг карикатуралари чи-зиш билан ўтказган.

* Машхур мусав-вир Сальвадор Дали исми "долларни ташналик билан се-вувчи" деган маъно-ни англатади.

* Атак-чечак қила-ётган болақай Пи-кассонинг биринчи

Биласизми?



сўзи "қалам" бўлган.

Шохрух тайёрлади.

МАРЖОН ҚЎШИҚЛАРНИ КЎЗЛАГАН МАШШОҚ

ЎЗИНГДАН
КЎРҚКИЛ!

Бировни йиғлатма - кўзингдан кўрққил,
Хато йўлдан юрма - изингдан кўрққил,
Севги қонин тўкма - қизингдан кўрққил...
Дунёга бир келдинг, ҳақ сўзни уққил,
Олсанг ё олмасанг, ўзингдан кўрққил!

Баҳорда тиг урма хом арпасига,
Киши иши кетса гар чаппасига.
Кузда жавоб берма, сен ёппасига...
Рақибинг олдида бой ёки бахтли
Бўлсанг ё бўлмасанг, ўзингдан кўрққил!

Гоҳи бахт - йиғлоқи, дард - навозанда,
Умринг - соз, чалади боланг созанда.
Эҳ, ҳаёт дегани шундай арзанда,
Қисматни қаргама, агар кафтида
Тўлсанг ё тўлмасанг, ўзингдан кўрққил!

Сен йиғлатма сени йиғлатганларни,
Сен тиглама кўксинг тиглатганларни.
Лочин, юрагингни музлатганларни...
Бугунингни эртанг учун рози қил,
Ўлсанг ё ўлмасанг, ўзингдан кўрққил!

КАРВОНЛАР
ЎТАР

Бу йўлдан - саф тортиб карвонлар ўтар,
Айланиб замонлар, давронлар ўтар.
Хайҳот! Гулу тикон, гавҳару ҳарсанг,
Инсон деган яхши-ёмонлар ўтар.

Қайда болу, қайда оғу мужассам,
Қайда шодлик, қайда қайғу мужассам.
Шу битик манглайда қиёмат қадар,
Уйғон бугун, эрта уйқу мужассам.

Олмоққа ошиқсан, бермоққа қашшоқ,
Маржон қўшиқларни кўзлаган машшоқ.
Созингга сигмаган куйлар басма-бас,
Жаранглаб қолади "шошмақом, ушшоқ".

Саболар тинади, бўронлар тинар,
Жилғалар тинади, уммонлар тинар.
Омонат бу дунё, омонат умр,
Минг баҳорни кўрган чинорлар синар.

Даъфатан, ўзингни ўтларга отма,
Эй Лочин, виждонинг дунёга сотма.
Карвонлар ўтади чалиб кўнғироқ,
Бир кун кетар чоғда пушмонга ботма.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН
"МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ" ФАОЛИЯТИНИ
БОШЛАДИ, ТИЗИМ ЭСА ТЎЛИҚ
РАҚАМЛАШТИРИЛАДИ

Хабарингиз бор, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 21-декабрдаги "Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида"ги 209-сонли Фармони қабул қилинган эди.



Мазкур Фармонга кўра, маҳалла-ларнинг бошқарув ходимлари сони солиқ инспектори ва ижтимоий ходим қўшилиши ҳисобига 5 тадан 7 тага кўпайди, эндиликда маҳалланинг ўзида 70 дан ортиқ масала, жумладан, моддий ёрдам ва кредитлар ҳал этилади, тизим эса тўлиқ

рақамлаштирилади.

Хусусан, маҳалла раиси эҳтиёжманд оилаларга уй-жойини яхшилашга кўмаклашишга доир 5 та ва зифа, ҳоким ёрдамчиси ишсизларга иш топишга кўмаклашиш бўйича 7 та, ёшлар етакчиси ёшларни спорт, мусиқа ва тўгаракларга жалб

ОСМОНДАГИ ЙЎЛИМ

Айт, кўздаги ёшим - хандониммисан,
Шўр ерга тўш урган - уммониммисан?
Овунчми, ўкинчми, умидми, алам -
Бировлар орзуси - армониммисан?
Айт, кўздаги ёшим - хандониммисан?!

Мен йўқдан келганман "Бор!" деб кетаман,
Ёрлари вафосиз "Ёр!" деб кетаман,
Лойимни қайтадан қор, деб кетаман,
Қафасин тарк этган сордек кетаман,
Гулдан ридо кийган - бўстониммисан?

Кувлашмачоқ ўйнар қонимда шайтон,
Кўнглимни кемирар кўнгилсиз илон,
Ҳар кўйга бошлайди ўйлар бегумон,
Дунё, қололмасам алардан омон,
Мендан омон қолган - омониммисан?

Олов ичидаман - севиб гуллайман,
Жунун саҳросида севмай ўлай ман,
Ишқнинг ҳар гардига тоvon тўлайман,
Тошларнинг ёнига тоғдай қулайман,
Ай, мени кўзғотган - жайрониммисан?

Саксон бешинчи йил*. Январь. Сирдарё.
Олти ёшли бола ўтар кўприкдан...
Олиб қочар ҳайратин эски бир дарё,
Ўкпар қорпарчалар кўнар киприкка.

Тун кўйнида мудрар фаришта замин,
Кўрпасин лой этар этиклар изи.
Ҳар кун шу - одамлар қидирар камин,
Теп-текис йўлларнинг бағрини эзиб.

Тонг отди. Тугамас кечаги ўйлар,
...Автобус боради муз йўлда оғир.
"Автобус, тезроқ юр..." жажжи дил куйлар,
Манзил эса олис, етамиз охир.

Ойнадан нигоҳин эрмаклар соғинч,
Имиллаб юради вақтмас автобус.
Боланинг юраги ҳамиша нотинч,
Лаҳзалик шодликка етсам дейди тез.

Уч киши - мен, онам, Рашид амаким,
Яхши одамлар лек қолганлар биров.
"Кун ботди, эҳ тамом", деди аллаким,
Тўхтаб қолганида Жиззахда улов.

Тарқалди совқотиб одамлар секин,
Бузуқ автобусда қолди беш киши.
Биз, шофёр, бир хотин... У деди сокин:
"Шундай қаттиқ бўлар Жиззахнинг киши.

этиш ва бошқа йўналишда 9 та, хотин-қизлар фаоли аёлларни тадбиркорлик, касаначилик, хунармандчиликка жалб қилишга доир 4 та ва зифалари аниқ белгилаб берилган бўлса, солиқ ходими маҳалладаги имкониятларни ишга солиб, солиқ базасини кенгайтириш, тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштиришга ҳамда ўзини ўзи банд қилганларга кичик бизнес тоифасига ўтишга кўмаклашиш, ижтимоий ходим ёлғиз кекса, ногирон ва бошқа муҳтожларга ижтимоий хизмат кўрсатиш билан шуғулланади.

Шунингдек, маҳалла раисининг ваколатлари кенгайтирилган жумладан, маҳалла раисининг сўровига жавоб бермаслик ёки тақдимномасида қўйилган масалани кўриб чиқмаслик учун жавобгарлик белгилаш ва уларнинг ваколат муддатини 3 йилдан 5 йил муддатга узайтирилиши назарда тутилган.

Бугунги кунда барча ижтимоий-иқтисодий дастурлар аҳоли талабидан келиб чиқиб, жойларда амалга оширилаётгани, бунинг учун маҳаллаларга кўплаб ваколатлар, ташкилий ва молиявий имкониятлар берилганлиги албатта халқимиз учун қувонарли ҳолдир.

А.ЖЎРАЕВ

Қарши туман адлия бўлими
бош маслаҳатчиси



Лочин ЭЛМУҲАММАД

Мана, мен боряпман, учиб боряпман,
Темир кишанларни ечиб боряпман,
Ёнингга - баридан кечиб боряпман,
Юлдузлари дардқаш - осмониммисан,
Осмондаги йўлим - омониммисан?

Қолинг, эртагача, бўлинг меҳмоним", -
Деди қозоқ хотин ғаллаороллик.
Боргиси келмади, жим онажоним,
Кўнглин чўлғадими қандайдир хадик.

Ортидан эргашди амаким шахдам,
Яёв кириб келдик ярим тун уйга.
Тўрда катта арча безалган кўркам,
Кўнгилни бошлайди бир ажиб кўйга.

Янги йил... орзулар, умидлар чексиз,
Қани, тугамаса ҳар кун байрамлар...
Мунаввар тонг отди йўлга тушдик биз,
Кўп экан дунёда яхши одамлар.

Ўғли, қизи оқил, меҳмондўст, гўзал,
Ўша хотин кетмас кўзим олдидан.
Енгаркан барчасин эзгулик тугал,
Қалбда кўшиқ бўлиб хотир қолди-да...

Саксон бешинчи йил. Кечикдик бир кун
Дунёга келганди жияним Хушрўй.
Умринг бахтга тўлсин қизалоқ гулгун.
Дилда илиқ тилак - баҳорий, хушрўй.

Йиллар автобуси бузилмас асло,
Давом этар ҳаёт - узун йўл яна.
Бир кун содда болакай бўлғайдир бобо,
Яхшиликлар мудом қилар тантана.

Тавсия

КУЛГУНИНГ
ФОЙДАСИ

Шифокорларнинг қайд қилишича, агар соғлигингизни асрашни истасангиз, кўпроқ кулинг. Кулги имунитетни ошириш ва қондаги шаккар микдорини камайтиришга имкон беради.

Россиялик шифокор-мутахассис Андрей Тяжелниковнинг изоҳ беришича, кулгининг инсон организмга ижобий таъсир қилиши анча олдин исботланган. Мисол учун, тадқиқотлардан бирида бир хил овқатланувчи қанд касалига эга беморларда қондаги шаккар микдори комедик фильмлар томоша қилгандан кейин пасайган. Шунингдек, кулги оғриқни қолдирувчи восита сифатида таъсир қилади.

Шу ҳам маълумки, кулги респиратор касалликлар вақтида ижобий самара беради. Кулиш вақтида нафас олиш узунроқ, нафас чиқариш эса қисқароқ, бироқ жадалроқ бўлади. Бу эса ўзига хос нафас гимнастикаси ҳисобланади. Шунингдек, кулги юрак уриши частотасини камайтиради, томирларни кенгайтиради (гипертониклар учун фойдали), иммуноглобулин ишлаб чиқилишини оширади, бу эса иммунитетга ижобий таъсир кўрсатади.

Феруза тайёрлади.

КОСОН БОЗОРИДА РАСТАЛАР БЎШ, САВДО-СОТИҚ ТАШҚАРИДА...

Косон туман марказий деҳқон (озиқ-овқат) бозори ўзининг тўқислиги, нарх-навонинг нисбатан арзонлиги билан ном қозонган. Шу боис ҳам бу ерга нафақат туман, балки вилоятнинг турли ҳудудларидан келиб савдо-сотиқ қилувчилар кўп. Доимо одам гавжум.

Бироқ бозордаги орасталик, тартиб-интизомга ҳавас қилиб бўлмайди. Аксарият сотувчилар ўз маҳсулотларини бозор ташқарисидagi очик майдонга, йўл бўйларига қўйиб сотишмоқда. Кимдир йўл бўйида турли енгил таомларни тайёрлаб сотаётган бўлса, бошқа бирови унинг ёнига мева-чеваларини ёйиб, харидорларни чорлашмоқда. Бу ердаги тартибсизлик, тикилинчдан кишининг йўл топиб юриши қийин. Димоғни бўғадиган бадбўй ҳид ва чанг-тўзонни эса айтмаса ҳам бўлади.

Туман ҳокимлиги ташаббуси билан турли назорат ташкилотлари, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирокида ушбу бозорда ўтказилган тадбирда бунга яна бир бор гувоҳ бўлдик.

Аслида бозорда орасталикни, саранжом-саришталикни таъминлаш учун ҳамма имконият мавжуд. Бир неча йил олдин бозор таъмирланган, юзлаб янги-дўконлар, минглаб расталар қўрилган. Айни пайтда бозор ичидаги 60 дан ошиқ дўкон, етти юзга яқин расталар бўш турибди.

Бироқ тадбиркору деҳқонлар ўз маҳсулотларини ана шу дўкон ва

расталарда эмас, балки ҳудуддаги автомашиналар тўхташ жойи, йўл бўйларига қўйиб сотишмоқда. Натижада автомобиллар туриши учун қўрилган майдон ноқонуний "бозорча"га айланиб қолган, машиналарни қўйишга эса жой йўқ. Бу одамлар уловини йўл бўйида қолдириб, марказий кўчада "пробка"лар ҳосил қилишига сабаб бўлмоқда. Энг ачинарлиси, шундоқ оёқ остига қўйиб сотилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари, шу ерда тайёрланиб, хўрандаларга тортиқ этилаётган таомлар ҳеч бир санитария меъёрларига тўғри келмайди.

- Сотувчилар бемалол бозор ичига кириб, бўш расталарда савдо қилиши мумкин, - дейди бозор масъул ходими Раёно Қурбонова. - У ерда санитария-гигиена талабларини таъминлаш учун барча шарт-шароитлар яратилган. Биз ҳар куни тадбиркорларга шуни тушунтиришга уринамиз. Лекин кўпчилик бунга амал қилмайди, ташқарида савдо қилишни маъқул кўришади.

Тадбир иштирокчилари бозор ташқарисидида савдо қилаётган сотувчилар билан ҳам суҳбатлашиб, уларнинг ҳам фикрларини тинглашди. Ўзини Дилрабо Тўраева деб таништирган сотувчи аёлнинг айтишича,



ҳақиқатан ҳам бозор ичида бўш расталар кўп. Маҳсулотини растага қўйиб сотиш унга ҳам қулай. Бироқ кимдир келаётган харидорни "биринчи илинтириш" мақсадида маҳсулотини дарвоза ташқарисига олиб чиқади. Кейин бошқалар ҳам шундай қила бошлайди. Қарабсизки, бозор ташқариси гавжум бўлиб, ичкаридаги расталарга харидор бормай қўяди.

- Яна бир томони, бозор ташқарисидида савдо қилаётганларнинг аксарияти ҳеч қандай тўлов тўламайди, - дейди у. - Шунинг учун ҳам кўпчилик ташқарида савдо қилишни

афзал билади. Агар ҳамма тартибга бир хил амал қилса, мен ҳам жон деб бозор ичида савдо қилардим.

Тадбир давомида туман ҳокимли-

ги, турли назорат ва ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари томонидан бозор ташқарисидида ноқонуний савдо қилаётган фуқароларга яна бир мартаба бу ишининг ҳуқуқий оқибатлари ҳақида тушунча берилди. Эндиликда ўрнатилган тартиб-интизомга амал қилмасдан, белгиланмаган жойда савдо қилиш учун қонун доирасидида қатъий чоралар кўрилиши таъкидланди. Зеро, бозорда тўқислик ҳам, тозалик ва саришталик ҳам, тартиб-интизом ҳам бўлиши зарур.

Ж. БОЙМУРОДОВ

Камқонлик - дунё миқёсидида мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар орасидида энг кўп учрайдиган хасталиклардан бири. Юртимизда бу касаллик кичик ёшдаги ўғил-қизлар орасидида ҳам учрайди.

БОЛАЛАРДАГИ АСАБИЙЛИК ВА БОШ АЙЛАНИШИ КАМҚОНЛИК АЛОМАТИМИ?

Хўш, бунинг сабаблари нимада?

- Кундалик истеъмолад маҳсулотларида керакли витамин ва озуқаларнинг етишмаслиги, экологиянинг ёмонлашуви кўплаб хасталиклар қатори камқонликни ҳам келтириб чиқаради, - дейди тиббиёт фанлари доктори Азиза Маҳмудова.

- Янги туғилган чақалоқларда анемия ҳомилидорлик давридаги муаммолар - қон кетиш, ҳомиланинг тушиш хавфи, онадаги юқумли касалликлар туфайли юзага келади. Қолаверса, эрта туғилган болаларда ҳам бу хасталик кўп кузатилади.

Ушбу дард билан оғриган болалар юқумли касалликларга тез чалинади. Оқибатда уларда камҳаракатлик, чарчоқ, уйқучанлик, иштаҳасизлик ҳамда вазн етишмаслиги кузатилади. Тери оқариб, тирноқлар ва сочлар мўртлашади.

Тил яллиғланиб, оғиз атрофида юзаки яралар пайдо бўлади. Асаб тизими фаолияти бузилади, тез-тез бош айланиши, оғриши, қулоқларда шовқин кузатилади. 1 ёшгача бўлган ва оғир камқонлик-



ка чалинган гўдаклар ривожланишда анча ортда қолади.

Бундан ташқари, асабийлик, бўр ёки кесак ейиш ҳам камқонликнинг асосий белгиларидир. Оғир ҳолатларда эса хушдан кетиш, тахикардия, нафас қисиши кузатилиши мумкин.

Касалликка ташхис қўйишда, аввало, педиатр-шифокор кўригидан ўтиш лозим. Қолаверса, анемияни аниқлаш учун гастроэнтеролог, нефролог, алерголог, гематолог ва бошқа тор доирадаги мутахассислар текшируви ҳам талаб этилиши мумкин.

Шунингдек, камқонликни даволаш учун, аввало, ёш болалар, мактаб ёшидаги ўғил-қизлар таомномаси ва кунлик тартибини қайта кўриб чиқиш ке-

рак. Бемор бола кўпроқ тоза ҳавода сайр қилиши, ўртача жисмоний фаолият билан шуғулланиши,

бир вақтда ухлаб, бир вақтда уйғониши тавсия этилади.

Анемияга чалинган болалар рационидида темир-га бой маҳсулотлар - қизил гўшт, ловия, нўхат, қорабугдой унидан тайёрланган нон, кўзиқорин, қуритилган мевалар ва кўкатлар бўлиши керак.

С ва В12 витаминлари-га бой маҳсулотлар (булғор қалампири, брокколи, цитрус мевалар, балиқ, яшил баргли сабзавотлар) ҳам касалликнинг олдини олишда жуда муҳим. Боиси бу витаминларсиз темир қонга сўрилмайди.

Агар болада жиддий камқонлик кузатилса, шифокор томонидан зарур дори-дармонлар тайинланади.

ИММУНИТЕТНИ КЎТАРИШ УЧУН ҚАНДАЙ МАҲСУЛОТЛАР ИСТЕЪМОЛ ҚИЛГАН МАЪҚУЛ?

Кўпинча қиш фаслида иммунитет тизими заифлашиб, одамлар орасидида мавсумий касалликлар авж олади. ССВ матбуот хизмати бунинг олдини олиш учун қандай маҳсулотлар истеъмолад қилиш лозимлиги ҳақида мутахассис маълумотини берди.



- Аввало, шўр, аччиқ ва ёғли таомлардан тийилиш зарур. Таркибида шакар ва кофеин бўлган маҳсулотлар истеъмолини ҳам чеклаган маъқул, - дейди Республика эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази директори Ботир Тожиев. - Уларнинг ўрнига, қовоқ, сабзи, лавлаги, помидор, пиёз, саримсоқ, кўкатлар, сутли маҳсулотлар, олма, цитрус мевалар, ёғсиз гўшт, балиқ ва асал танаввул қилиш тавсия этилади.

Маълум қилинишича, ушбу ноз-неъматлар организмни минерал ва витаминлар билан тўйинтириб, иммунитет тизимини мустаҳкамлайди.

Тананинг касалликларга қарши курашувчанлик қобилиятини оширадиган маҳсулотлардан бири - пиёз. У организмга тушган микроблар билан курашиш, саратон хужайралари ўсишини тўхтатишга ёрдам беради, иммунитетни оширади.

Саримсоқ пиёз - стрессдан кейин танани тиклашга кўмаклашади, жигарни тозалайди. У яллиғланиш ва ўсмалар билан курашиш учун ажойиб воситадир.

С витамини ҳам иммун тизимини мустаҳкамлайди. У лимон, наъматак, апельсин, ширин қалампир, қора смородина таркибида кўп миқдорда мавжуд бўлади.

Занжабил (имбирь) - организмнинг касалликларга қарши курашувчанлигини тез кучайтирувчи минерал ва витаминларга бой маҳсулот.

Қунига бир чой қошиқ асал истеъмолад қилиш ҳам соғлиқ учун фойдали.

Бироқ аллергияга мойил, сурункали касалликлардан азият чекувчи кишилар бу маҳсулотларни истеъмолад қилишда шифокорлар билан маслаҳатлашишлари зарур.

Алишер Навоий таваллудининг 583 йиллиги олдидан

НАВОИЙ ДАҲОСИГА ЭҲТИРОМ

Шеърят мулкининг султони Низомиддин Мир Алишер Навоий 1441 йил 9 февралда Хиротда туғилган. Хирот шахри XV аср биринчи ярмида Соҳибқирон Амир Темур асос солган улуг салтанатнинг иккинчи пойтахти, Темурнинг кенжа ўғли Шохрух Мирзонинг кўл остидаги обод манзилларидан бири эди. Алишер туғилган хонадон Темурийлар саройига азалдан яқин ва юртда муайян нуфуз соҳиби эди.

Йирик маънавий сиймо сифатида дунёга танилган Алишер Навоий сиёсат оламида ҳам нодир шахслардан бирига айланганини дўсти Хусайн Бойқаро ҳамда халқнинг эътирофидан англаш мумкин. 1472 йил февралда Бойқаро дўстининг норозилигига ҳам қарамай, уни вазир лавозимига тайинлайди ва "Амири Кабир" ("Улуғ Амир") унвонини беради. Бу лавозимда Навоий эл-улус манфаати, шаҳар ва мамлакат ободончилиги, маданият равнақи, адолат тантанаси учун фойдаланадики, буларнинг барчаси пировард натижада Султон Хусайн давлатининг барқарорлиги ва нуфузини таъминлайди.

Хирот бу даврда ниҳоятда кўркамлашди, халқ турмуши яхшиланди, шеърят, нафис санъатлари ривож олди. Талабалар учун "Ихлосия" мадрасаси, дарвешлар учун "Халосия" хонақоҳи, беморлар учун "Шифоия" шифохонаси, масжиди Жомеъ ёнига қорихона ("Дор ул хуф-фоз") қурилди. Улуғ амирнинг кутубхонасида 70 дан ортиқ хаттот ва мусаввирлар қўл ёзмамаларни оққа кўчириш, уларни бадиий безаш билан банд эдилар.

Хиротда яна "Низомия", Марвда "Хусравия" ва бошқа мадрасалар бино этилди. Навоий Мадраса, шифохоналар қурдириб қўя қолмасдан, уларни керакли даражада жиҳозлаш, ўз-ўзини таъминлаш учун вақф ерлар ажратиш бериш, мударрис-

лар, табиблар ва бошқа ходимлар билан таъминлаш, уларга ойлик маош, озуқа, кийим-бош белгилашгача, талабалар нафақаси ва китобларигача, барча-барчасини мукамал бошқариб, ташкил этиб берар эди ва ўзи доимо хабар олиб, назорат қилиб туришни ҳам унутмасди. Бинолар қурилиши тарҳи билан бевосита шуғулланар, уста ва шогирдлар меҳнатидан бохабар бўлиб турарди.

Шоир ўз ҳузурига тез-тез шеър, илм ва санъат аҳлини чорлаб, маърифий суҳбатлар уюштириб турар, ёш истеъдодларни тарбият қилиб, уларга шароит яратарди. Хондамир, Бехзод, Восифий ва ўнлаб ушбу тарбиятга ноил бўлган истеъдод эгалари шулар жумласидандир. Шу давр ичида Алишер Навоий ўз қўли билан биринчи девони "Бадойи ул-бидоя" ("Бадиийлик ибтидоси")ни тузди. Бу девонга унинг ёшлик ва йигитлик пайтларида ёзган 800 дан ортиқ шеърлари жамланган бўлиб, шоир ижодий камолотининг биринчи босқичини акс эттиради.

Тарихчиларнинг ёзишича, Навоийнинг бир кунлик даромади 18 минг шохрухий динор миқдориди эди. Улуғ Амир бу даромаднинг кўп қисмини хайрли ишларга сарф қилган. Тарихчи Хондамир Навоий қурган 52 работ, 20 ҳовуз, 16 кўприк, бир қанча тўғон, ариқ, ҳаммом, масжид-мадрасаларни эслайди. Навоий турли соҳа олимларига ҳомийлик

қилиб, ўнлаб илмий рисоалар битилишига бевосита сабабчи бўлган. Алишер Навоий ўзи ва салафлари - Низомий, Деҳлавий, Ҳофиз, Ироқий ва бошқалар яратган мустақил бадиий тафаккур тарзини "мажоз тариқи" деб номлади ва унда Ҳақ асрори "мажоз сувратинда" акс этишини таъкидлаган. Бу Борлиқни ўзига хос идрок этиш тарзи Нақшбандиянинг: "Дил ба ёру даст ба кор", қойдасига мувофиқ бўлиб, унда ибрат, илм, ирфон ва амал бир нуқтада бирлашар ва янги дунёга кўз очарди. Тавҳид таълимоти ва эътиқодини идрок этишнинг энг юқори босқичи бўлган бу дунёқараш тизими "Хамса" ва "Лисон ут-тайр" асарларида, шоир лирикасида бадиий инъикосини топган.

1500 йилларга келиб шоирнинг ҳаёт шароити қийинлашиб, соғлиги заифлашиб қолса-да, ижоддан тўхтамади. 1501 йилнинг бошида Навоий касалликдан вафот этди. Бутун Хирот халқи ўзининг буюк шоири билан хайрлашишга чиқди ва 7 кун давомида мотам тутди. Навоий ўз ижоди билан ўзбек адабиётининг сўнгги ривожини белгилагина қолмай, Мовароуннаҳр ва Хуросоннинг бутун маънавий маданияти тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатди.

Унинг асарлари, шеърляти



қайта-қайта кўчирилиб, халқ орасида кенг тарқалиб, шоирлар учун мактаб вазифасини ўтади, мадрасаларда кенг ўрганилди. 1483 йилдан Алишер Навоий ўзининг буюк "Хамса" асарини ёзишга киришди ва уни уч йилда тугаллади. Беш дostonни ўз ичига олган бу улкан бадиий қомус 50 минг мисрадан ошиқ бўлиб, Навоийнинг барча шеърий меросини деярли ярмини ташкил қилади.

Алишер Навоий даҳоси асрлар оша мангу барҳаётдир. Унинг назмий дурдоналари адабиётимизнинг буюк мероси сифатида инсонлар қалбига нур сочувчи мунаввар қуёшдек боқийдир.

Рушана СУЛТОНОВА,
Касби туманидаги 57-мактабнинг она тили ва адабиёти ўқитувчиси

САВОЛ БЕРИНГ, ЖАВОБ БЕРАМИЗ

Савол: Тадбиркорлик фаолияти билан давлат рўйхатидан ўтмасдан шуғилланганлик учун жарима қанча?

Жавоб: МЖТК нинг 176-моддасига кўра, тадбиркорлик фаолиятини давлат рўйхатидан ўтмасдан амалга ошириш - ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг беш барава-ри (1 700 000 сўм)дан етти барава-ригача (2 380 000) миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Шунингдек юқоридаги моддада, биринчи марта ҳуқуқбузарлик содир этган шахс, агар у ҳуқуқбузарлик

аниқланган пайтдан эътиборан ЎТТИЗ КУН ИЧИДА солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини ихтиёрий равишда қоплаган, тадбиркорлик субъектининг рўйхатдан ўтказилишини таъминлаган ва зарур бўлган рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштирган бўлса, ҳуқуқбузарлик нарсаларини мусодара қилмасдан жавобгарликдан озод этилади.

сидаги огоҳлантирувчи ёзувлар бўлмаганда;

- алкогольли маҳсулот идишида алкогольли маҳсулотларни истеъмол қилиш инсон соғлиғига салбий таъсир кўрсатиши тўғрисидаги матн ёки расм шаклидаги тиббий огоҳлантириш мавжуд бўлмаганда, шунингдек, идентификация воситаси билан мажбурий рақамли маркировкаланмаганда;

- 20 ёшга тўлмаган шахсларга.

Савол: Қандай ҳолларда алкогольли маҳсулотларни сотиш таъқиқланади?

Жавоб: Вазирлар Маҳкамасининг 75-сон қарорига асосан, қуйидаги ҳолларда алкогольли маҳсулотларни сотиш таъқиқланади:

- савдо автоматлари орқали;
- болалар ўйинчоқлари, конфетлар ёки болалар ассортиментини бошқа товарлари кўринишида;
- сотиш жойларида алкогольли ичимликлар 20 ёшга тўлмаган шахсларга сотилмаслиги, шунингдек алкогольли маҳсулотларнинг инсон соғлиғига салбий таъсири тўғри-

Савол: Навбатдаги мажбурий аттестация иштирок этадиган педагоглар пул тўламайди?

Жавоб: Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 17-сентябрдаги 572-сон қарори билан тасдиқланган Низом талабларига кўра, педагог кадрларни навбатдаги мажбурий аттестациядан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатганлик учун йиғим ундирилмайди.

Низомга асосан, педагог кадрларни навбатдан ташқари аттестациядан ўтказиш бўйича давлат хизматини кўрсатганлик учун:

- давлат хизматлари марказлари орқали мурожаат этилганда, базавий ҳисоблаш

Қандай қилиб бу ҳолатдан қутилишим мумкин?

ЖАВОБ: Фуқаролик кодексининг 292-моддасига асосан, кафилик шартномаси бўйича кафилик бошқа шахс (Кредит олган одам) ўз мажбуриятини тўла ёки қисман бажариши учун унинг кредитори (Кредит берган банк) олдида жавоб беришни ўз зиммасига олади.

- Ўрни, кредит олинадиганида ўзингиз унчалик тушунмаган бўлсангизда, кредит олган одам ўша кредитни қайтара олмасаним тўлайди кредитни деган жойига акалар, пул менда, мен тўлайман тўлаёлмай қолса деган ҳужжатга имзо қўйиб бергансиз..

- Юқоридаги кодекснинг 293-моддасига асосан, қарздор кафилик билан таъминланган мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда кафилик ва қарздор кредит олдида солидар (Биргаликда) жавоб берадилар деб

миқдорининг 100 фоизи (ҳозирда 340 минг сўм);

- pedkadr.uzedu.uz платформаси орқали мурожаат этилганда, базавий ҳисоблаш миқдорининг 90 фоизи (ҳозирда 306 минг сўм);

- ягона интерактив давлат хизматлари портали tu.gov.uz орқали мурожаат

САВОЛ: Мен бир танишимга кафилик бўлган эдим. У олган кредитини тўламайпти. Банкдагилар қарзни мендан талаб қилишяпти. кўрсатилган.

- Ўрни, кредит олган одам кредитни қайтармаётгани, демак кредитни қайтариш мажбурияти Сизга ҳам юклатилиши мумкин ва бу ноқонуний ҳолат эмас.

- Энди саволингизни қандай қилиб бу ҳолатдан қутилишим мумкин деган жойига келсак. Кредит тўлиқ тўлаб бўлинмагунча бу ҳолатдан қутила олмайсиз лекин, кредит ёпилганидан кейин Сиз кредит олган одамнинг кредити учун қанча пул тўлаган бўлсангиз ўша тўлаган пуллари-рингизни банк ҳисоби бўйича фоизлари билан ҳамда уни дастидан кўрган бошқа зарарларингизни РЕГРЕСС (Қарши) тартибда судга мурожаат қилиб ундан ундириб олишингиз мумкин. Сизни бу ҳуқуқингиз борлиги юқорида кўрсатилган кодекснинг 295-моддасида келтирилган.

этилганда, базавий ҳисоблаш миқдорининг 90 фоизи (ҳозирда 306 минг сўм) миқдориди йиғим ундирилади.

Эслатма: Тўловлар навбатдан ташқари аттестацияда иштирок этиш учун рўйхатдан ўтиш ва мурожаат юборилаётган вақтда амалга оширилади.

Саволларга вилоят солиқ бошқармаси масъул ходими С. НИЁЗОВА жавоб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил 5-февралдаги ПФ-5655-сон Фармонида мувофиқ Ўзбекистон Республикасида 2022-йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш концепцияси қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ва унинг фаровонлиги тўғрисидаги ишончли маълумот узоқ муддатли прогнозлар ва давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсадли дастурларини, янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурларини ишлаб чиқиш, барқарор ривожланиш Миллий мақсадлари индикаторларини шакллантириш, меҳнат ресурслари жойлашуви ва улардан фойдаланиш жараёнларини ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш учун муҳим пойдевор ҳисобланади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 2015- йил 10-июндаги "2020- йилда аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олиш борасидаги принциплар ва тавсиялар" резолюциясига таяниб, аъзо-давлатларни 2020-йилда Бутунжаҳон аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олиш дастури доирасида аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олишга тааллуқли халқро ва ҳудудий тавсияларни инобатга олган ҳолда камида бир марта аҳоли ва уй-жой фондиди рўйхатга олишни ўтказишни қатъий даъват этади.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикасида аҳолини рўйхатга олиш ўтказилмаган. Аҳоли сонига, ёш-жинс таркибига кескин таъсир кўрсатган ўзгаришлар, республика ҳудудидаги аҳоли жойлашуви хусусиятлари ва бошқа ижтимоий-демографик ўзига хосликлар аҳолининг жорий ҳисобига оид мавжуд маълумотларни қўллашни сезиларли дара-

АҲОЛИНИ РЎЙХАТГА ОЛИШНИНГ АСОСИЙ МАҚСАДИ

жада чекламоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2020- йил 16-март, ЎРҚ-611-сон қонуни тасдиқланди.

Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

аҳолини рўйхатга олиш - Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки унинг муайян ҳудудларида ўтказиладиган, белгиланган санада аҳолининг демографик ва ижтимоий-иқтисодий тавсифларини белгилловчи шахсга доир маълумотларни йиғиш ҳамда уларга ишлов бериш даврий жараёни;

аҳолини рўйхатга олиш санаси - аҳоли тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва ҳисобга олиш амалга оширилаётган аниқ пайт (йил, ой, кун ва соат);

респондентлар - аҳолини рўйхатга олиш санасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари,

чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи, лекин аҳолини рўйхатга олиш санасида унинг ҳудудидан ташқарида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари;

рўйхатга олиш варағи - кўрсатилган саволлар бўйича шахсга доир маълумотларни ёзиб олиш учун белгиланган шаклдаги бланка; рўйхатга олиш ҳужжатлари - аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнига тааллуқли ҳужжатлар мажмуи;

рўйхатга оловчи ходимлар - Ўзбекистон Республикасининг аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўришга ва уни ўтказишга жалб этилган, махсус ўқувдан ўтган вояга етган фуқаролари;

уй ҳўжалиги - битта турар жойда ёки унинг бир қисмида биргаликда яшайдиган, ўзини яшаш учун барча зарур нарсалар билан таъминладиган, умумий ҳўжалик юритадиган, пул маблағларини тўлиқ ёки қисман бирлаштирадиган ва сарфлай-

диган шахслар йиғиндиси. Бу шахслар қариндошлик муносабатларида бўлиши ёки бўлмалиги мумкин. Уй ҳўжалиги битта шахсдан иборат бўлиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг қонунига асосан 2020-йил 11-ноябрдаги Вазирлар Маҳкамасининг 710- сонли Қарори қабул қилинди.

"Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, доимий ёки вақтинча яшовчи ёхуд вақтинча Ўзбекистон Республикасида бўлиб турган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи, аммо аҳолини рўйхатга олиш даврида вақтинча хорижий давлат ҳудудида бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари респондент сифатида

рўйхатга олинади.

Аҳоли сони ва унинг таркибини ҳисоблашда бир йилдан ортиқ муддатда мамлакат ҳудудида бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддаси охириги хатбошида назарда тутилган шахслар ҳисобга олинмайди, аммо учинчи хатбошида назарда тутилган шахслар ва бир йилдан кўп муддатда республика ҳудудида вақтинча яшаб келаётган хорижий давлатлар фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳисобга олинади.

Респондентлар ўзининг (доимий ёки вақтинча) яшаш жойи бўйича рўйхатга олинади. Кунлик тунги дам олишининг кўпроқ қисмини ўтказадиган уй, квартира, яшаш учун фойдаланилаётган бошқа турар жой ёки нотурар жой бино яшаш жойи ҳисобланади.

Бу жой респондент рўйхатдан ўтган (рўйхатга қўйилган) манзил билан мос келиши ёки мос келмаслиги ҳам мумкин.

Ш. БУРХОНОВА,
вилоят статистика
бошқармаси етакчи
мутахассиси

МАЪНАВИЯТ-ИНСОН ЗИЙНАТИ

Президентимиз "Жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир" деган эътилоф.

Дарҳақиқат, Маънавият - инсон руҳий ва ақлий оламини ифодаловчи тушунча. У кишиларнинг фалсафий, ҳуқуқий, илмий, бадиий, ахлоқий, диний тасаввурларини ўз ичига олади. Маънавият атамасининг асосида "маъно" сўзи ётади. Маълумки, инсоннинг ташқи ва ички олами мавжуд. Ташқи оламига унинг бўйбастии, кўриниши, кийиниши, хатти-ҳаракати ва бошқа қиради. Ички олами эса унинг яшашдан мақсади, фикр юритиши, орзу-истаклари, интилишлари, ҳис-туйғуларини ўз ичига олади. Инсоннинг ана шу ички олами маънавиятдир. Озиқ-овқат одамга жисмоний қувват берса, маънавият унга руҳий озуқа ва қудрат бағишлайди. Маънавият маърифат ва маданият билан боғлиқ. Маънавият одамларда тап-тайёр ҳолда вужудга келмайди. Унга муттасил ўқиш, ўрганиш, тажриба орттириш орқалигина эришилади. Маънавият қанчалик бойиб борса, жамият ва миллат шунчалик раванқ топади. Маънавиятли одам яшашдан мақсад нималигини аниқ билади, умрини мазмунли ўтказиш йўлини излаб топади, муомала қилиш маданиятини эгаллайди, ҳар бир масалага инсоф ва адолат нуқтаи назаридан ёндашади. Виждон нима, ёлғон ва рост нима, ор-номус нима, ҳалол ва ҳаром нима - буларнинг ҳаммасини бир-биридан ажрата олади, ҳаётда ёмонликка бошловчи хатти-ҳаракатлардан воз кечади, яхшиликка бошловчи амалларни бажаради. Қисқаси, маънавиятда инсон ҳаётининг мазмуни акс этади. Ватанини севиш, ватанпарварлик инсон маънавиятини белгилловчи



асосий омиллардан биридир. Маънавият камол топган жамиятларда қобилият, истеъдод эгалари шу жамиятнинг, миллатнинг юзи, ғурури, обрў-эътибори ҳисобланади. Маънавиятли жамиятда ақл, соғлом фикр, адолат ва яхши хулқ устувордир. Бундай жамиятда халқнинг эртанги кунга ишончи кучли бўлади, одамга номуносиб турли иллатлар барҳам топади. Миллатнинг асрлар давомида шаклланган илдизлари, унинг тарихий тажрибалари ва ижтимоиймаданий ривожланиши сиз маънавиятни тасаввур қилиш қийин.

Шундай экан, инсонлар маънавий- маърифий дунёқарашини шакллантириш барчанинг бирламчи вазифаси бўлмоғи керак.

Жасур ЛУТФИЕВ,
Республика Маънавият ва
маърифат маркази Қарши
тумани бўлинмани раҳбари

ЭЪЛОНЛАР КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги статистика агентлиги томонидан 2023-йил 9-октябрдаги 39-мб-сон қарорига 71-илоvasи 1-кб шакли (йиллик) Микрофирма ва кичик корхонанинг 2023 йил учун ҳисоботи -ҳисобот 2024 йил 27 февралдан,

68-илоvasи 12 - корхона (ойлик) шакли Ташкилот фаолияти тўғрисида ҳисобот-ҳисобот давридан кейинги ойининг (ҳар ой) 5 санасидан

33-илоvasи 1-меҳнат шакли (йиллик) - Меҳнат ҳисоботи 2024 йил 1 февралдан кечиктирмасдан барча ҳисоботларни интернет тизимидан электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда hisobot.stat.uz сайтидан eStat-4 дастури орқали тақдим этилади.

eStat-4.0 тизимда мавжуд давлат статистика ҳисоботларининг электрон шакллари тўлиқ жойлаштирилган. Янги тизимга кириш учун hisobot.stat.uz сайтига кириб Статистиканинг сизнинг корхонангиз ёки ташкилотингизга тегишли ҳар қандай ҳисоботни топшириш имкониятлари кенг тарзда йўлга қўйилганлигини маълум қилади.

ҚАРШИ ШАҲАР СТАТИСТИКА БЎЛИМИ МАЪМУРИЯТИ.

"MY-INSURANCE" Суғурта компанияси АЖ Қашқадарё вилоят филиали томонидан Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш суғурта тури бўйича қуйидаги суғурта полислари йўқолганлиги сабабли рўйхатдан чиқарилганлиги маълум қиламиз:

6701, 6702, 6703, 6704, 6705, 6706, 6707, 6708, 6709, 6710, 6711, 6839, 6840, 6848, 6853, 6854, 6857, 6859, 6860, 6863, 6872, 6873, 6874, 6875, 6877, 6878, 6880, 6881, 6882, 6883, 6884, 6885, 6886, 6887, 6888, 6889, 6890, 6891, 6892, 6893, 6894, 6895, 6896, 6897, 6898, 6899, 6900, 24754, 24782, 24793, 24799, 24801, 24802, 24641, 24645, 24649, 24650, 24655, 24657, 24731, 24740, 24746, 24851, 24876, 24879, 24884, 24912, 24924, 24932, 20326, 20354, 12669, 24946, 24950, 24954, 24971, 24974, 24976, 25035, 25062, 25067, 25070, 25082, 25084, 25094, 25095, 25112, 25115, 25118, 25129, 25153, 25173, 25174, 25182, 25301, 25303, 25304, 25305, 25307, 25310, 25322, 25329, 25355.

Маълумот учун манзил: Қарши шаҳар Пахтазор митти-тумани 21-уй.

"MY-INSURANCE" Суғурта компанияси АЖ Қашқадарё вилоят филиали маъмурияти

Тузувчи: Фирдавс.



ШЕЪРЛАРИ БАРҲАЁТ ШОИР

Ғузур туманидаги 43-умумий ўрта таълим мактабидан ўзбек халқининг истеъдодли шоирларидан бири Чори Аваз таваллудининг 66 йиллиги муносабати билан "Барҳаёт шеър йўли" деб номланган маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Чори Аваз 1957 йил 11 декабрда Қашқадарё вилоятининг Ғузур туманида туғилган. 1992 йил 29 ноябрда Тошкент шаҳрида вафот этган. Чори Аваз узоқ яшамади, 35 йиллик умр йўли давомида бебаҳо асарлар қолдирди. "Тортган камон", "Куз эртаси", "Уйғонишдан ўзга толе излама", "Сайланма", болаларга атаб "Бир дунё савол", "Мен ҳам битта Ўзбекистонман" деб номланган шеър тўпламлари адабиёт ихлосмандлари қалбидан ўчмас ўрин эгаллади.

У поляк ёзувчиси Минковскийнинг "Бақалоқ" қиссасини, япон ёзувчиси Рюноске Акутагаванинг "Қоронғиликдаги суҳбат", "Пигмей сўзлари" асарларини, Исикава Такубокунинг "Танкалар"и ҳамда фин халқ эпоси "Калевала" достони, Котиб Ёсиннинг "Гриф" асарларини маҳорат билан ўзбек тилига таржима қилди.

Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ёзувчилар уюшмаси вилоят бўлимлари ҳамкорлигида ўтказилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, таниқли ижодкорлар, ада-



биётшунослар сўзга чиқиб, Чори Аваз ижоди, шеърлари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирди. Ижодкорнинг адабиётимиз ривож учун қилган хизматлари эътироф этилди.

- Рус шоири Лермонтовга нисбатан "шоирлар қишлоқларда туғилади, шаҳарларда вафот этади", Усмон Носирга нисбатан "фавқуллодда истеъдодли шоир" деган таъриф берилган, - дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази Қашқадарё вилояти бўлими раҳбари Лола Саодатова. - Ўтқир Ҳошимов эса "ижодкорда қишлоқнинг юраги, шаҳарнинг ақли бўлсин" деган

фикрни айтган эди. Чори Аваз эса бу таъриф ва фикрларнинг ҳаммасини ўзида жо эта олган том

маънодаги ҳақиқий истеъдодли шоир эди. Бугунги тадбир ҳам ана шу атоқли шоиримизнинг ижодини англаш, уни ёш авлодга етказишда яна бир муҳим қадам бўлди, деб ўйлайман.

Ўқувчилар томонидан Чори Аваз шеърларидан ўқилган намуналар ҳамда ранг-баранг мусикий чиқишлар тадбирга янада фойз бағишлади.

Худди шундай тадбирлар Ғузур туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби ҳамда Қарши шаҳридаги Абдулла Орипов номли ижод мактабларида ҳам бўлиб ўтди.

Ўлмас БАРОТОВ

ОДАМ ҚАНЧА КЎП ТИЛ БИЛСА, МИЯСИ ШУНЧА ЯХШИ ИШЛАЙДИ...

Олимларнинг навбатдаги тадқиқотлари одам иккинчи ва ҳоказо тилларни ўзлаштирганда мия фаолиятига қандай таъсир қилишига бағишланди. Тадқиқотлар натижаси шундай бўлдики, одам она тилидан ташқари ўзга тилларни қанча кўп билса, мия фаолияти шунча яхшилана бораркан. Хорижий тилни қанча мустаҳкам ўрганиб борилса, миёдаги эътибор, тезлик ва шу каби хусусиятлар мукаммаллаша боради. Шу нарсалабларда синаб кўрилди. Ҳақиқатан, хориж тилини қанчалик мукаммал эгалланса, мия шунча тезлашиб бориши талабалар ечган тестларда ўз аксини топди. Масалан, инглиз, испан ва бошқа тилларни ўта мукаммал эгаллаганлар, ўртамиёна тил биладиганлар, ёки иккинчи тилни умуман билмайдиганларга қараганда тестларни анча илгари ечиб улгуришди. Бундан ташқари, миёдаги эътибор, сезгирлик, сергаклик кабилар учун жавобгар ўқималар метинлаша бориши ҳам тадқиқотлар давомида ўз исботини топди.



ОЛИМЛАР 100 ЁШГАЧА ЯШАШ СИРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛДИ

Америкалик олимлар инсон умрини 100 йилга қадар узайтириш усулини аниқлади. Маълум бўлишича, инсоннинг узоқ умр кўришига нафақат генлар, балки у яшайдиган жой ҳам таъсир кўрсатади. Бу борадаги тадқиқот натижалари International Journal of Environmental Research and Public Health'да келтирилган.

Мутахассислар 2011 йилдан 2015 йилга қадар 75 ва ундан катта ёшда вафот этган 145 минг кишининг яшаш жойи, маълумоти ва ижтимоий ҳолатини таҳлил қилиб чиққан. Шунингдек, камбағаллик даражаси, тиббий хизматдан фойдаланиш имконияти, ҳавонинг ифлослиги, яшил ҳудудлар сони ҳам инобатга олинган.

Аниқланишича, 100 ёшгача яшаш учун инсон юқори ижтимоий мавқега эга бўлиши, яшил ҳудудлар кўп бўлган жойда истикомат қилиши, мунтазам сайрга чиқиб туриши, транспорт ва тиббиёт хизматидан фойдаланиш имконияти бўлиши керак.

Бундан ташқари, олимларнинг аниқлашича, эркакларга қараганда аёллар кўпроқ 100 ёшгача яшайди.

Ибратли ҳикоялар

МУАММОЛАР САБАБИ

Ўқитувчи бир стакан сув олиб, талабалардан сўради:

- Сизнингча, бу стаканнинг оғирлиги қанча?

"Тахминан 200 грамм", деб жавоб беришди талабалар.

"Кўриб турганингиздек, унинг оғирлиги жуда оз", деди ўқитувчи ва сўради: "Агар мен бу стаканни бир неча дақиқа ушлаб турсам нима бўлади?"

- Деярли ҳеч нарса бўлмайди.

- Демак, бир соат шундай ушлаб турсам-чи?

-Кўлингиз чарчайди.

- Агар уни бир неча соат ушлаб турсам-чи?

-Кўлингиз оғрийди.

- Тўғри. Агар стаканни кун бўйи шундай сақласам, нима бўлади?

"Кўлингиз қотиб қолади ва ҳатто кўлингиз фалаж бўлиб қолиши мумкин", деб жавоб берди талабалардан бири.

- Жуда яхши, - давом этди ўқитувчи, - лекин ста-

каннинг оғирлиги ўзгарганми?

"Йўқ", деб жавоб беришди.

"Унда кўлимдаги оғриқ қаердан пайдо бўлди?"

"Узоқ давом этган стрессдан", деб жавоб беришди талабалар.

- Оғриқдан қутулиш учун нима қилишим керак?

- Стаканни қўйинг, - жавоб келди.

-Ҳаёт муаммолари билан ҳам шундай бўлади, -деб хитоб қилди ўқитувчи. - Сиз уларни бир неча дақиқа давомида бошингизда ушлаб турасиз - бу оддий ҳолдир. Агар сиз улар ҳақида соатлаб ўйласангиз, оғриқни бошдан кечирасиз. Ва агар сиз улар ҳақида кунлар давомида ўйласангиз, у сизни фалаж қила бошлайди ва сиз бошқа ҳеч нарса қила олмайсиз. Ва оғриқдан халос бўлиш учун муаммоларни бошингиздан чиқариб ташлашингиз керак.

Ота уйига балиқ олиб келса, фақат бош қисмини ўзига олиб, болаларига энг мазали жойи шу, деб айтган эди.

ОТА

Болалари эса бизга ҳам беринг, биз ҳам ўша ширин жойидан татиб кўрайлик, деб ҳар сафар отасидан илтимос қилиб сўрашарди. Аммо ҳар сафар отадан рад жавоб олган болалар, йиллар ўтиб балиқни бош қисмида ҳеч қандай гўшт бўлмаслигини, мазаси ҳам йўқлигини тушунишганда, бир дастурхон устидан ўзларини йиғидан олишмади.

ЛАТИФАЛАР

Оқловчи айбланувчидан сўради:

- Қамокдан озод қилинганингиздан кейин нега маҳаллий газета муҳарририни дўппосладингиз?

- Мен атиги беш юз минг доллар ўғирлагандим, у бўлса, газетасида етти юз минг доллар, деб ёзибди. Хотиним қолган икки юз минггини сўраса, унга нима дейман?

- Жаноб профессор, - деб мурожаат қилди бир ёш тингловчи, - нега спиртли ичимлик ёшларнинг миясига, кексаларнинг оёқларига таъсир қилади?

- Ичимлик ҳар доим заиф жойни қидиради-да, - деб жавоб берди профессор.

Кўл бўйида бир гуруҳ одамлар дам олишгаётганди. Қутилмаганда кўл узра қўлида чақалоқ кўтарган сув париси пайдо бўлиб, улардан сўради:

- Узр, гаввос Алимжон ака қаерда яшайди?

Иккита танга оила қуришди. Бир йилдан сўнг фарзандли бўлган ота-онанинг бошлари қотибди:

- Ўғлимизни қайси банкка берсак, яхшироқ ўсаркин-а?!

- Битта товук гўштини қандай қилиб бир ҳафтага етказиш мумкин?

- Жудаям осон, душанба кuni сотиб олмасиз-у, якшанба кuni пишириб ейсиз.

Кеч қолган томошабин театрга ҳаллослаб кириб, назоратчи билетини узатди.

- Томоша аллақачон бошланган. Залга секин оёқ учидан қадам ташлаб кириш.

- Нима, ҳамма дарров ухлаб қолдимиз?

Маст киши қариядан сўради: - Отахон, Эшмат қаерда яшайди?

- Ие, Эшмат ўзингиз-ку, болам?

- Биламан! Сиз менга уйим қаердалигини айтворинг?!

Саҳифани интернет материаллари асосида ШОҲРУХ тайёрлади.

Hazina

Вилоят ижтимоий, иқтисодий-маърифий газетаси

Муассис: "HAZINA" МЧЖ

Gazeta 2001-yil 15-dekabrda chiqa boshlagan

Газета вилоят Матбуот ва ахборот бошқармасида 2018 йил 10 октябрда 14-115 рақами билан рўйхатга олинган.

Бош муҳаррир: Даврон СУЛТОНОВ

Газета таҳририятнинг матбаа бўлимида саҳифаланди.

Навбатчи: Ғ.ҲАҚБЕРДИЕВ.

Таҳририятга юборилган кўлэмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди.

Газетадан кўчириб чоп этилганда "HAZINA"дан олинди, деб кўрсатилиши шарт.

Нашр индекси: 4042

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Қарши шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси 805-уй. Тел: (75) 225-05-42.

ISSN 2010-7447

Газета ойда икки марта чиқади.

Газета "Шердор плюс полиграф" босмаҳонасида чоп этилди. Корхона манзили: Самарқанд шаҳри, 140100, Улуғ Турсунов кўчаси, 82-уй. Буюртма № Қўғоз бичими А-3. Адади: 1000 Теришга берилди: 09.00 Чоп этишга рухсат берилиб, имзо қўйилган вақти: 17.50

Сотувда келишилган нархда.